БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 86 (577)

1 МАЙ СЕШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро пролетар бирдамлиги куни, барча мамлакатлардаги ишчиларнинг қардошлик куни — 1 Май!

Марксизм-ленинизм байроғи остида Коммунистик партия раҳбарлиги остида коммунизм ғалабаси сари, олға!

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқига қайтиб келдилар

БАЛТИЙСК, 30 апрель. (ТАСС). Англиядан қайтаётган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг Аъзоси Н. С. Хрушчев бугун эрталаб Балтийск шаҳрига келдилар.

Минг-минглаб меҳнаткашлар ва ҳарбий денгизчилар совет раҳбарларини Ватанга қайтиб келишлари билан қутламоқ учун Балтийск денгиз гаванига тўпландилар.

Соат 8-20 минут. «Орджоникидзе» крейсери ва унга ҳамроҳлик қилган «Смотрящчий» ва «Совершенний» эскадрон миноносслари кўрфазга кириб келадилар. Тўплар отилиб берилган салют садолари гумбурлайди.

Соат 8-30 минутда крейсер соҳил деворига ёндошади. КПСС Калининград обкомининг секретари В. Е. Чернишев, область ижроия комитетининг раиси З. Ф. Стайковский, КПСС Балтийск шаҳар комитетининг секретари В. В. Бесфамильний, адмирал А. Г. Головко, армия генерали А. В. Горбатов, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг депутатлари, Калининград ва Балтийск жамоат ташкилотларининг вакиллари зина билан юриб кемага чиқадилар.

Н. А. Булганинни ва Н. С. Хрушчевни кутиб олишга бағишланган қисқача митинги КПСС Балтийск шаҳар комитетининг секретари В. В. Бесфамильний очди.

Балтийск кема-ремонт заводининг токари ўртоқ Лопунов, Балтийскдаги ўрта мактаб муаллимаси ўртоқ Базан, биринчи статья старшина ўртоқ Спицин совет раҳбарларига мурожаат қилиб, самимий табрик нутқлари сўзладилар.

Митингда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин нутқ сўзлади. Митингдагиларнинг ҳаммаси уни қизғин кутиб олдилар.

* * *

КАЛИНИНГРАД, 30 апрель. (ТАСС). Байрам тусида безатилган Калининград кўчалари бугун шаҳарнинг минг-минг халқи билан лиқ тўлди. Улар Англиядан Ватанга қайтиб келаётган СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганинни ва СССР Олий Совети Президиумининг Аъзоси Н. С. Хрушчевни кутиб олдилар.

Очиқ машиналарга тушган совет раҳбарлари шаҳар меҳнаткашларининг самимий табриклари остида аэродром томон йўл олдилар.

...Соат 10-30 минут. Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев машиналардан тушиб трибунага чиқадилар. Улар келиши билан 30 минг киши кучли «ура» садолари, яшасин Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, деган хитоблар билан уларни кутиб оладилар. Митингни КПСС область комитетининг секретари В. Е. Чернишев очди.

Митингда Калининград машинасозлик заводининг токари П. Я. Дружинин, Гурьев районидаги Хрушчев номли колхознинг раиси Н. И. Романов, Калининграддаги 7-сон ўрта мактаб муаллимаси Т. А. Кузьмина сўзга чиқдилар. Улар Партия ва Ҳукуматнинг бутун дунёда тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини яқдиллик билан маъқуллаганликларини ва қўллаб-қувватлаганликларини айтдилар.

Митинг охирида Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади. Митингдагилар қизғин кутиб олган Н. С. Хрушчев Англияда эришилган натижаларни ўз нутқида гапириб берди.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ва уларнинг ҳамроҳлари самолётга чиқадилар. Табрик хитоблари, «ура» садолари бутун аэродромни янгратиб юборади.

Соат 11-35 минутда самолёт парвоз қилади, аэродром тепасида бир айланиб, Москвага томон йўл олади.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Англияга қилган сафарларидан Москвага қайтиб келдилар

Англия-Совет музокараларининг муваффақиятли тугалланганлиги муносабати билан Марказий аэродромда пойтахт меҳнаткашларининг кўп минг кишилик митинги

30 апрель. Москвада байрам шодиёнаси билан тўлган баҳор куни. Шаҳар кўчалари ва майдонлари Биринчи май байрами муносабати билан чиройлик қилиб безатилган. Пойтахтнинг меҳнаткашларидан 25мингдан кўпроқ киши — шаҳардаги ҳамма районларнинг вакиллари Англияга қилинган сафардан қайтиб келаётган СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг Аъзоси Н. С. Хрушчевни кутиб олмоқ учун бугун Марказий аэродромга тўпландилар.

Флагштокларда СССР давлат байроқлари ҳилпирамоқда, ҳаммаёқ гуллар билан безатилган.

Н. А. Булганинни ва Н. С. Хрушчевни ҳамда уларнинг ҳамроҳларини кутиб олмоқ учун К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, А. И. Кириченко, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Г. К. Жуков, Д. Т. Шепилов, Е. А. Фурцева, А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Н. Косигин, В. А. Кучеренко, В. А. Малишев, В. М. Мацкевич, И. Ф. Тевосян, М. В. Хруничев, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. Т. Лацис, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. П. Тарасов, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. А. Яснов, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси А. А. Андреев, СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов, СССР министрлари, Совет Иттифоқи маршаллари, адмираллар, СССР Олий Советининг депутатлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг раҳбарлари ва бошқа расмий шахслар Марказий аэродромга келдилар.

Кутиб олиш учун чиққанлар орасида — Буюк Британиянинг СССРдаги Муваққат Ишлар Вакили, Мухтор Министр, Маслаҳатчи С. К. Парротт, СССРдаги чет эл Элчихоналари ва Миссияларининг бошлиқлари бор. Совет ва чет эл матбуотининг, радиосининг, кинохроникасининг жуда кўп вакиллари ҳозир бўлдилар.

Соат 14-50 минутда осмонда самолёт кўринади ва у тез орада ерга қунади. Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ҳамда академиклар И. В. Курчатов, А. Н. Туполев самолётдан чиқадилар. Аародромда тўпланган меҳнаткашлар гулдурос овацияга қиладилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев самолётдан тушишлари биланоқ кутиб олувчилар уларни ўраб оладилар. Шу пайтда пионерлар югуриб келиб Н. А. Булганинга, Н. С. Хрушчевга, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоларига, КПСС Марказий Комитетининг секретарларига, академик И. В. Курчатовга ва академик А. Н. Туполевга катта-катта гулдасталар тақдим қиладилар.

Совет ҳукуматининг ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлари минбарга чиқадилар. Аэродромда яна гулдурос овация бошланади.

Меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Бобровников митингни очиб, Николай Александрович Булганинни ва Никита Сергеевич Хрушчевни Англия ҳукуматининг раҳбарлари билан музокараларни муваффақиятли тамомлаганликлари ва эсон-омон Ватанга қайтиб келганликлари билан митингдагилар номидан қизғин табриклайди.

Москва шаҳри саноат ходимлари номидан «Серп и молот» металлургия заводининг пўлат эритувчиси В. П. Рябов нутқ сўзлайди.

Ўртоқ В. Н. Рябов нутқи

Ўртоқлар!

Биз бугун Никита Сергеевич Хрушчевни ва Николай Александрович Булганинни гоят зўр қувонч билан кутиб олаётирмиз.

Совет давлати раҳбарларининг Англияга қилган сафари халқаро кескинликни янада юмшатишни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни чин кўнгилдан истаётган барча совет кишиларининг фикрларини ва орзуларини ифодалаб берди.

Лондондаги музокараларнинг якунлари бизларни астойдил қувонтирмоқда. Бу музокаралар натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги ишонч ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамланади. Совет ва инглиз халқларининг тинчликка бўлган қизғин интилиши, урушнинг олдини олишга уларнинг манфаатдор эканликлари дўстлигимиз ва ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам негизидир.

Совет Иттифоқи билан бошқа мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашда Партиямиз ва Ҳукуматимиз раҳбарлари кўрсатаётган ташаббус давлатимизнинг ленинча ташқи сиёсатини акс эттирмоқда. Бу сиёсатнинг жаҳондаги оддий кишилар чин қалбларидан тобора кўпроқ маъқулламоқдалар.

Бугун ҳамма жиҳатдан ажойиб кундир. Булганин ва Хрушчев ўртоқлар меҳнаткашларнинг қувончли байрами бўлган Биринчи май арафасида жонажон Москва ерига қадам қўйдилар. Мамлакатимиз меҳнаткашлари бу байрамни меҳнат соҳасидаги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Москвадаги «Серп и молот» заводининг коллективи ҳам ўзининг Биринчи май мажбуриятларини шараф билан бажарди.

Биз партиямиз Марказий Комитетини ва жонажон Совет ҳукуматимизни ишончиб айтамизки, олтинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажармоқ, мамлакатимизни тағин ҳам гўзал ва қудратли мамлакатга айлантирмоқ учун бутун кучимизни сарфлаймиз.

Яшасин коммунизм қураётган совет халқи!

Яшасин бутун дунёда тинчлик! (Қарсаклар).

Пойтахт интеллигентлари номидан академик С. Л. Соболевга сўз берилади.

Ўртоқ С. Л. Соболев нутқи

Ўртоқлар!

Англияга қилинган сафардан қайтиб келган Николай Александрович Булганин ва Никита Сергеевич Хрушчев ўртоқларни бугун биз ҳаммамиз жуда хурсанд бўлиб кутиб олмоқдамиз.

Барча совет кишилари сингари москвалик-лар ҳам уларнинг Англияда бўлган вақтларида кўйган ҳар бир қадамларини катта эътибор бериб кузатиб турдилар, уларнинг яхши ният билан қилган сафарларида муваффақият қозонишларини жон-танлари билан қизғин равишда тилаб турдилар.

Ўртоқ Булганин билан ўртоқ Хрушчевнинг Англияга қилган сафарлари, уларнинг у ерда Буюк Британиянинг давлат арбоблари билан олиб борган музокаралари катта халқаро аҳамиятга эга бўлган воқиадир.

Совет халқи сиёсатни яхши билади ва жаҳоннинг бошқа ҳамма халқларига катта қизиқиш билан, катта ҳайриҳоҳлик билан қарайди.

Коммунизм бизнинг мақсадимиздир. Бу шундай мақсадкирки, унга эришмоқ учун ҳали кўп ва кўп ишламоқ керак. КПСС XX съезди томонидан қўйилган жуда улкан вазифалар катта куч ва гайрат сарфлашни талаб қилади. Бу вазифаларни муваффақиятли бажармоқ учун бизга узоқ давом қиладиган мустаҳкам тинчлик лозимдир.

Коммунистик партиямиз ўз халқининг тинчликка, бошқа халқлар билан дўст бўлишга интилаётганлигини яхши билади ва ўзининг ташқи сиёсатида шунга амал қилаётир. Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар Англияда бўлганларида ҳам шунга амал қилдилар.

Дуруст, кўп масалаларда қарашлар бирлиги ҳали вужудга келгани йўқ, «совуқ муносабатлар уруши»нинг «стратегик» товарларининг рўйхатлари тарзидаги сарқитлари ҳали сақланиб келмоқда, бу сарқитлар мамлакатларимиз ўртасидаги нормал савдо-сотиққа халақит бермоқда. Шунга қарамай, биз аминмизки, реал ҳолатга асосланиб фикр қилаётган, сергак инглиз сиёсатчилари бизнинг турмушимизни, бизнинг истакларимизни яхши тушуниб олиб, бизга нисбатан ўзларининг нотўғри фикрларидан қайтаолади лар. Биз бўлиб ўтган музокаралар бир-биримизни яхшироқ тушунib олишнинг фақат бошланишидир, деб ҳисоблаймиз.

Русларнинг «юз сўм пулинг бўлганидан кўра, юзта дўстинг бўлгани яхшироқ» деган мақоли бор. Биз дўстларимиз бўлишини истаймиз ва дўстларимиз қанчалик кўп бўлса, биз учун шу қадар яхшироқдир. Биз французлар билан ҳам, инглизлар билан ҳам, америкалилар билан ҳам, бошқа ҳамма халқлар билан ҳам дўстликни мустаҳкамлашни истаймиз.

Яқинда мен Ҳиндистонга ва Швецияга бориб келдим, у ерда турли мамлакатларнинг олимлари билан, шу жумладан, француз, инглиз, америкали, немис олимлари билан ҳам учрашдим.

Биз бир-биримизни жуда яхши тушундик. Ҳаммамиз фанни тараққий эттириш ҳаракатида бўлганлигимиз, манфаатларимиз умумий бўлганлиги бир-биримиз билан энг яхши муносабатлар боғлашимизга ёрдам берди.

Англия билан дўст бўлишимиз учун ҳеч қандай жиддий тўсқинлик йўқ. Биз ўзимизда бўлган яхши нарсаларнинг ҳаммасини баҳам кўришга тайёрмиз, ўзимиз ҳам Англияда бўлган яхши нарсаларнинг ҳаммаси билан гоят эътибор бериб танишамиз. Бизга шундай имконият берилади, деб умид қиламиз. Бунинг учун эндиликда асос солинди.

Бундан буён биз энг хилма-хил соҳаларда жонли, қизиқтирарли катта иш қилишимиз керак бўлади. Бу соҳаларда биз бутун инсоният бахт-саодати учун ҳамкорлик қилишимиз мумкин.

Совет давлатининг ташқи сиёсати Ленин принципларига асосланган сиёсатдир. Узоқни кўрадиган бу доно сиёсат кейинги йилларда бирқанча жиддий муваффақиятлар келтирди.


Николай Александрович Булганин ва Никита Сергеевич Хрушчев ўртоқларнинг бу сафари халқаро вазиятни юмшатиш ишига янги ҳисса бўлиб қўшилди ва жаҳондаги ҳамма халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Азиз Николай Александрович ва азиз Никита Сергеевич, Ватанимиз ва бутун тинчликсевар инсоният бахт-саодати йўлида қилган қийин ва муҳим ишларингиз учун бутун совет интеллигенцияси номидан сизларга чин кўнгилдан ташаккур айтишга ижозат беринг из.

Доно Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар бўлсин! (Давомли қарсаклар).

Н. А. Булганинга сўз берилади. У гулдурос қарсаклар билан қутиб олинади.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)



1956 йил 30 апрельда Тошкентда В. И. Ленинга ўрнатилган ҳайкал. И. Глауберзон фотоси.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҚИЗИЛ МАЙДОННИ В. И. ЛЕНИН НОМИГА ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг илтимоси қондирилсин ва Қизил Майдон Владимир Ильич Ленин номига қўйилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ,
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил, 30 апрель. Тошкент шаҳри.

СССР Мудофаа Министрининг
Б У Й Р У Ғ И

1956 йил 1 Май **№ 60** **Москва шаҳри.**

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Бугун совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари барча мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — Биринчи Майни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг тарихий қарорлари туфайли сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда байрам қилмоқдалар.

Армия ва Флотнинг шахсий составини Биринчи Май куни билан қутлайман. Барча совет жангчиларига жанговар ва сиёсий тайёргарликда янада муваффақиятлар тилайман.

Байрамни нишонлаш юзасидан **буюраман:**

Биринчи Май куни Ватанимизнинг пойтахти Москвада, иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида ва қаҳрамон шаҳарлар: Ленинградда, Сталинградда, Севастополда ва Одессада тўплардан бир йўла йигирма марта ўқ узиб салют берилсин.

Яшасин севикли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Яшасин жона-жон Совет Ҳукумати.

Барча ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар бўлсин!

СССР Иттифоқи Мудофаа Министри
Совет Иттифоқи Маршали Г. ЖУКОВ.

Сэр Антони Иденнинг Булганин жанобларига ва Хрушчев жанобларига мактуби

Сизларнинг яхши истак билан юборган дўстона мактубингиздан гоят мамнун бўлдим. Ҳазрат Олийлари ҳукумати номидан сизларга ана шу визит билан келишни ва Англия билан ҳамда инглиз халқи билан танишишни мумкин деб топганлигингиз учун ўзимизнинг хурсанд эканлигимизни яна бир марта билдирмоқчиман. Мен аминманки, сизларнинг визитингиз ва олиб борган музокараларимиз шубҳаларни йўқотишга ёрдам берди. Мен бу визит ва музокаралар ҳар иккала мамлакатларимиз ўртасида ошиб бораётган ишончнинг бошланғичи бўлишига аминман. Мен сизларнинг дўстлигимизнинг ҳамда биргаликда олиб борадиган ишларимизнинг тинчликдан иборат умумий ишга ва бутун дунёда яхши муносабатларнинг ривожланишига ёрдам беради, деб билдирган истагингизга тамомила қўшиламан.

АНТОНИ ИДЕН.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ф. К. ҚУҚОНБОЕВНИ УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Туғилган кунига 50 йил тўлганлиги муносабати билан, кўп йиллик халол меҳнатини тақдирлаб, Узбекистон ССР енгил саноат министри Фозил Қўқонбоевич Қўқонбоев Узбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил 29 апрель.
Тошкент шаҳри.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Англияга қилган сафарларидан Москвага қайтиб келдилар

Ўртоқ Н. А. БУЛГАНИН нутқи

Азиз ўртоқлар!

Англияга визит қилиб бормоқ учун бундан икки ҳафта бурун мамлакатимиздан чиқиб кетган эдик. Бугун Ватанимизга, Москвага қайтиб келиб, Сизларни чин кўнгилдан табрикла ётганимиз ва Сизлар бизни қизғин ва хурсандчилик билан кутиб олганлигингиз учун Сизларга ташаккур этаётганимиз билан бахтиёрмиз. **(Қарсаклар).**

Буюк Британия ҳукуматининг ва шахсан бош министр Иден жанобларининг таклифига биноан Англияга қилган саёҳатимиз Англия—Совет муносабатлари учун ҳам, шунингдек бутун халқаро ҳаёт учун ҳам катта сиёсий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Англия—Совет сиёсий муносабатлари бирқанча йиллар давомида жуда мураккаблашган муносабатлар бўлиб келди.

Англия билан бизнинг савдо-сотиғимиз анча камайиб кетган эди. Ўтмишда вужудга келган илмий ва маданий алоқаларимиз тўхтаб қолган эди.

Бундай аҳвол Англиянинг ҳам, Совет Иттифоқининг ҳам манфаатларига мос бўлиб тушмаган эди.

Ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари сиёсий, савдо-сотиқ, илмий ва маданий соҳаларда Совет—Англия муносабатларини яхшилашни ва мустаҳкамлашни талаб қилмоқда эди ва ҳозирги кунда ҳам талаб қилмоқда. Буюк Британия билан Совет Иттифоқи сингари буюк давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши умумий тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради, бу очиқ-ойдин кўриниб турган бир нарса эди.

Биз Англияга жўнаб кета ётганимизда олдимизда бир талай қийинчиликлар турганлигини аниқ билган эдик. Бу қийинчиликлар аввало шундан иборат эдики, Англиядаги анчагина таъсирдор доиралар орасида бизнинг бу визитимизга тарафдор кишилардгина бўлиб колмасдан, шу билан бирга бу визитга қарши бўлган кишилар ҳам бор эди, Совет Иттифоқи билан муносабатларни яхшилаш тарафдорлари бўлганидек, бу муносабатларни яхшилашга қарши бўлган кишилар ҳам бор эди.

Бу доираларнинг намояндалари кўпдан бери ҳамма учун очиқ-ойдин бўлган ва ҳеч шубҳасиз бўлган нарсаларни пайқаб олишни истамайдилар. Улар халқаро турмушда рўй берган туб ўзгаришларни, «совуқ муносабатлар уруши» замони ўтиб кетганлигини, «зўравонлик сиёсати» барбод бўлганлигини, тинчлик факторлари халқаро турмушга тобора кўпроқ таъсир ўтказа ётганлигини пайқаб олишни истамаётирлар.

Аммо биз умумий тил топишни, ишонч ва ҳамжиҳатлик ўрнатишни, ҳар иккала томон учун манфаатдор бўлиш ва яхши ният базасида иккала томонни қизиқтира ётган проблемаларни ҳал қилишни астойдил истаганимиз ҳолда Англияга сафар қилдик.

Англияда бўлган вақтимизда бош министр Иден жаноблари билан ва унинг коллегалари билан шахсан яхши алоқа боғлаб олдик. Биз улар билан музокаралар олиб бордик, бу эса Англияга қилган визитимизнинг мақсадларидан бири эди.

Биз Лондонда, Лондон графлигининг муниципал кенгашида, Бирмингам ва Оксфорд шаҳарларига борганимизда Англиянинг жамоат арбоблари ва савдо-саноат доиралари билан учрашдик. Биз Шотландияга ва унинг пойтахти Эдинбургга бориб у ердаги савдо-саноат доиралари ва сиёсий доиралар билан учрашдик.

Биз ҳарбий қўмондонликнинг, қуриқликдаги қўшинларнинг, ҳарбий-ҳаво кучларининг вакиллари билан ҳамда ҳарбий-денгиз кучларининг қўмондонлиги билан учрашдик ва суҳбатлар ўтказдик. Афсуски биз халқ билан учрашиш ва суҳбатлашиш имкониятларига эга бўлмадик. Биз Лондон ва бошқа шаҳарларнинг кўчаларидан ўтиб бора ётганимиздагина халқни кўрдик. Халқ билан етарли алоқада бўлмаганимизга қарамай, инглиз халқи урушни истама ётганлигига, тинчлик бўлишини, Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик қилишни иста ётганлигига қатъий ишонч ҳосил қилдик. **(Давомли қарсаклар).** Англиянинг савдо-саноат доиралари Совет Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорликни ва савдо-сотиқни ривожлантириш кайфиятидадир, деган муайян тасаввур ҳам бизда ҳосил бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси, ҳеч шубҳасиз бизнинг Англия ҳукумати билан олиб борган музокараларимизга ўз таъсирини ўтказди.

Шу муносабат билан Англия лейборист ишчи партияси раҳбарларининг бизга нисбатан қандай ҳаракатда бўлганлигини алоҳида айтиб ўтишга тўғри келади.

Лейбористлар партиясининг раҳбарлиги биз билан учрашишдан бизнинг сиёсатимизга қарши, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг сиёсатига қарши масалалар қўймоқ ва гаплар айтмоқ учун фойдаланди.

Шу нарса ғалатидирки, лейбористлар ташкилоти, унинг ижроия комитети ва унинг раҳбарлари бизнинг визитимиз туфайли туғилган таассуротни бузишга ўз ҳаракати билан уринган бирдан-бир ташкилот бўлди.

Уларга муносиб зарба берилди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Бизнинг Англиядаги кўп вақтимиз Буюк Британия ҳукумати билан, бош министр Иден Жаноблари, муҳирдор лорд Р. О. Батлер Жаноблари, ташқи ишлар министри Селвин Ллойд Жаноблари ва ҳукуматнинг бошқа аъзолари билан музокаралар олиб боришга сарф бўлди. Биз Буюк Британиянинг машҳур арбоби У. Черчилл Жаноблари билан учрашдик. Умумий тинчлик ва хавфсизлик учун ғоят аҳамиятли бўлган қуролсизланиш проблемаси, Яқин, Ўрта Шарқдаги аҳвол, Англия билан бизнинг муносабатларимиз сингари проблемаларни кўриб чиқдик.

Хўш, музокараларимиз натижалари нималардан иборат бўлди? Бу натижалар эълон қилинган баёнотларда: ҳар иккала ҳукуматнинг баёнотида ва Лондондаги матбуот конференциясида қилган баёнотимизда муфассал ёритиб берилди.

Музокаралар натижалари ҳамма масалалар устида битимга келишдан ҳали узоқдир. Бироқ Англия ҳукумати билан бамаслаҳат бир фикрга келган нарсаларимизнинг ҳаммаси Совет-Англия муносабатларини ривожлантирмоқ учун ва тинчлик иши учун муҳим ва аҳамиятлидир.

Энг муҳими шуки, музокараларимиз натижасида давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада яхшиламоқ учун янги шароит вужудга келади. Сиёсий соҳада ҳам, шунингдек иқтисодий соҳада ҳам ҳамкорликни ривожлантирмоқ учун, маданий ва илмий алоқаларни ривожлантирмоқ учун яна ҳам кенгроқ имкониятлар очилади.

Биз бир-биримизни таниб олдик. Энг муҳим халқаро проблемаларнинг ҳаммаси устида ошкора фикрлашиб олдик, Бир қанча масалалар устида ҳар қайси томон ўз фикрида қолди, лекин бир қанча масалалар устида нуқтаи назарларимиз бир-бирига ўхшаш эканлигини аниқладик. Шу билан бирга ҳар иккала томон шу фикрга келдики, ижтимоий системаларимиздаги тафовутдан қатъи назар давлатларнинг тинч-тотув бўлиб яшаши дўстона ҳамкорлик қилмоқ учун асосдир.

Тинч-тотув бўлиб яшашга қаратилган совет ташқи сиёсати тамомила тўғри бўлиб чиқди. Бу сиёсат барча мамлакатларнинг ва барча халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушаётир. **(Гулдурос қарсаклар).**

Умуман, музокараларимизнинг натижаларини ва визитимизнинг натижаларини муваффақиятли бўлди деб топмоқ керак. **(Қарсаклар).**

Гарчи айрим вақтларда музокараларда қийин ва мушкул вазият туғилган бўлса ҳам, бироқ ҳар иккала томон учун мақбул бўладиган қарорларга келиш йўлидаги интилиш, у томоннинг ҳам, бу томоннинг ҳам ўз нуқтаи назарларини ошкора баён қилиб берганликлари ишонч ва ўзаро тушуниш вазиятини вужудга келтирди. Бунинг оқибатида эса музокараларда яхши натижаларга эришиш имконияти туғилди.

Бизнинг визитимиз ва олиб борган музокараларимиз дўстона мақсадлардан бошқа ҳеч қандай бўлак мақсадни кўзда тутмади. Биз Буюк Британиянинг бошқа давлатлар билан алоқаларини ёмонлаштириш ҳисобига у билан ўзимизнинг муносабатларимизни яхшилашни истамаймиз.

Совет Иттифоқи, айрим давлатлар ўртасидаги дўстликка тинчлик мақсадлари ва олий жаноб мақсадлар асос қилиб олинган тақдирда бундай муносабатларни ҳамиша табриклаб келди.

Англия ҳукумати билан олиб борган музокараларимиз Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати яхши натижалар бера ётганлигини яна бир марта кўрсатди. Биз жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари билан дўстона муносабатлар ўрнатиб олдик ва сиёсий ҳамда иқтисодий ҳамкорлик актив равишда ривожланиб бормоқда, савдо-сотиқ кенгайиб бормоқда, илмий ва маданий алоқалар кучаймоқда. Бундай сиёсат фақат биз учунгина фойдали бўлиб қолмасдан, шу билан бирга бутун халқаро вазиятга ҳам яхши таъсир ўтказмоқда. Халқаро уфқ ёришиб бормоқда, одамларнинг эртаги кун учун бўлган ваҳимаси аста-секин йўқолмоқда, тинчлик кучлари ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Англия билан муносабатларнинг яхшиланиши мамлакатларимиз ўртасида ўсиб бораётган ишончнинг бошланишигина бўлиб қолмайди, алоқаларни ва ҳамкорликни кенгайтиришда янги босқичнинг бошланишигина бўлиб қолмайди. Муносабатларнинг бундай яхшиланиши шу билан бирликда тинчликнинг умумий ишига ҳамда бутун дунёда яхши муносабатларнинг ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Совет Иттифоқи ўз шонли Коммунистик партиясининг ва ўз Ҳукуматининг раҳбарлиги остида халқлар ўртасида дўстликни ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни бундан буён ҳам оғишмай ўтказа беради. **(Давомли қарсаклар).**

КПСС XX съезди томонидан ишлаб чиқилган ташқи сиёсат программаси эндиликда ўзининг ижобий натижаларини бераётир. Бу программа Совет Иттифоқи халқларининг манфаатларига, умумий тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига тўла равишда мос бўлиб тушмоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Яшасин совет ташқи сиёсати, халқлар ўртасида дўстлик ва тинчлик сиёсати! **(Гулдурос қарсаклар).**

Самолётлар конструктори академик А. Н. Туполев нутқ сўзлайди.

Ўртоқ А. Н. ТУПОЛЕВ нутқи

Ўртоқлар!

Делегация составида Англияга боришимни эшитганимда менга кўрсатилган бу ишонч мени ниҳоят даражада хурсанд қилди. Шу қадар юксак делегация составига менинг киритилганлигим мен учун катта шарафдир. Ўртоқлар, мен партиясиз кишиман-ку, шунинг учун ҳам Булганин билан Хрушчев делегацияси составига мени киритиб, бу билан менга кўрсатилган ишонч мени ниҳоят даражада қувонтириб юборди.

Ўртоқлар! Мен партиясиз бўлсам ҳам, лекин халқимизни севаман, унинг бахтиёр ва хурсанд бўлишини истайман **(қарсаклар)**; мен шунга аминманки, ҳукуматимиз ва партиямизнинг халқни бахт-саодатли этишга хизмат қилишдан бошқа мақсадлари йўқ. Партия ва Ҳукумат ер юзида тинчлик ўрнатишга интилмоқдалар, мен ҳам шу мақсадга астойдил интилмоқдаман. Шунинг учун ҳам мен бутун кучимни ва билимимни Ватанимиз бахт-саодати учун хурсандчилик билан бағишламоқдаман ва Ватанимизнинг муваффақиятларига қувонмоқдаман. **(Қарсаклар).** Шу сабабли мен саёҳат вақтида бемалол ва дадил бўлиб юрдим.

Саёҳат бизга шуни кўрсатдики, биз техника соҳасида ғарбдан кейинда қолаётганимиз йўқ, ривожланиш суръатлари жиҳатидан эса ғарбдан анча олдиндамиз. **(Қарсаклар).**

Кўплаб ишлаб чиқарилаётган «ТУ-104» маркали самолётларимиздан учтаси делегацияга хизмат кўрсатиб, ҳар кун Москва билан Лондон ўртасида қатнаб турди. Бу масофани атиги 3,5 соатда босиб ўтаётган бу самолётларимиз ҳамманинг эътиборини ўзига жалб қилди ва самолётни кўрганларнинг ҳаммаси унга жуда юксак баҳо бердилар.

Биз олимлар, самолёт ва мотор конструкторлари билан учрашдик ҳамда уларнинг мамлакатимиз фанига ва техникасига ҳурмат билан қараётганликларини ҳамиша сезиб турдик. Улар бизга кибир билан қараб келганликларига кўп вақт бўлмаган эди-ку? Биз халқларимиз билан Британия ҳамкорлиги халқлари ўртасида тинчлик бўлиши зарурлигини айтдик ва уларнинг кўзларига қараганда уларнинг жуда кўпчилиги биз билан урушишни эмас, балки дўст бўлишни истаётганлигини кўрдик. **(Қарсаклар).**

Булганин билан Хрушчев делегациясининг бутун фаолияти дўстлик, ҳамжиҳатлик ва амалий алоқалар ўрнатишга бўйсундирилди.

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва бизнинг Ҳукуматимиз!

Яшасин улуғ халқимиз! **(Қарсаклар).**

Яшасин бутун дунёда тинчлик иши учун курашда ер юзидаги соф виждонли барча кишиларнинг бирлашуви! **(Қарсаклар).**

Яшасин халқимизнинг ва дунёдаги соф виждонли барча кишиларнинг фароғатли бўлиши! **(Қарсаклар).**

Сўнгра физика олими академик И. В. Курчатов нутқ сўзлайди.

Ўртоқ И. В. КУРЧАТОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Ўртоқ Булганин билан ўртоқ Хрушчев делегациясида мен совет атом фанининг вакили сифатида бордим.

Инглиз олимлари ўз ҳамкасблари бўлган совет олимини қизғин кутиб олдилар ва олимларимизнинг ишларига катта қизиқиш билан қарадилар. Улар ўзларининг баъзи янги установкаларини кўрсатдилар. Бу установкалар атом фанининг юксак даражада ривожланганлигидан ҳамда инглиз физикларининг юксак маҳоратли ва талантли эканлигидан далолат беради. Мен СССР Фанлар Академиясининг эълон қилинмаган бир қанча ишларини Харуэлл илмий тадқиқот атом марказига топширдим. Бунга жавобан менга Харуэллда бажарилган янги ишлар тўғрисидаги маълумотларни топширдилар.

Бу билан ҳар иккала мамлакат олимлари ўртасида шу вақтгача бўлиб келганига қараганда тағин ҳам яқинроқ алоқа боғлаш учун негиз солинди. Инглиз физикларининг бир группаси тезлаткичларга бағишланган конференциянинг ишларида қатнашмоқ учун шу йил май ойида СССРга келганларида бу алоқа янада кенгайтирилади ва мустаҳкамланади.

Атом фани ва техникасининг кўпчилик соҳаларида Совет Иттифоқи Англиядан ўзиб кетганлигини кўриб, ўзимнинг улуғ халқим ва унинг фани учун ғоят фахрландим. Лекин шуни айтмоқ керакки баъзи соҳаларда инглиз физиклари, химиклари ва инженерлари бизга қараганда кўпроқ натижаларга эришганлар. Инглиз олимларининг бу соҳадаги чуқур фикрлари ва айрим проблемаларни оригинал равишда ҳал қилганликлари жуда юксак тақдирга сазовордир.

Бошқариб туриладиган термоядро реакцияларига доир СССР Фанлар Академиясининг баъзи ишларини инглиз физикларининг мажлисларида Партия ва Ҳукуматнинг ижозати билан гапириб бердим.

Мамлакатим ҳукумати олижаноблик билан ташаббус кўрсатиб, бу ишларнинг сирини жаҳонда биринчи бўлиб очишга қарор қилганлиги учун мен бахтиёрман.

Халққа, Партия ва Ҳукуматга биз олимларга қилаётган ғамхўрликлари учун катта раҳмат.

Яшасин улуғ халқимиз, **(Қарсаклар).** Совет ҳукуматимиз ва жонажон Коммунистик партиямиз! **(Қарсаклар).**

Трибунада Н. С. Хрушчев. Йиғилганлар уни гулдурос қарсаклар блан кутиб оладилар.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Ватанимизга қайтиш вақтида ҳар сафар бўлганидек, ҳозир ҳам биз азиз москваликлар бўлган Сизларнинг ораларингизга яна кириб келганлигимиз сабабли жуда катта мамнуният ҳисларига тўлиб-тошмоқдамиз. **(Қарсаклар).** Бундай қизғин кутиб олганлигингиз учун Сизларга чин кўнглимиздан ташаккур айтишга ижозат берингиз. **(Қарсаклар).**

Н. А. Булганин Англияга қилган визитимизнинг натижаларига ўз нутқида баҳо бериб ўтди. Мен фақат шуни илова қилиб оламанки, бу бизларнинг умумий баҳомиздир.

Биз Англия ҳукуматининг раҳбар арбоблари билан шахсан алоқа боғлаш орқали катта ҳамжиҳатлик ўрнатмоқ ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш йўлларини топмоқ учун Англияга борган эдик.

Биз Англияга қилган саёҳатимизни жуда фойдали саёҳат бўлди деб ҳисоблаймиз. Биз музокаралар вақтида Англия — Совет муносабатларига доир масалалар устида ҳам, шунингдек энг муҳим халқаро проблемалар устида ҳам ошкора фикрлашиб олдик. Бундай фикр олишиш бир-биримизни яхшироқ таниб олишимизга, қандай масалаларда бизнинг нуқтаи назарларимиз бир-бирига яқинлашиб келганлигини аниқлаб олишимизга ва қандай масалалар бартараф қилинмоқ учун ҳали етилмаганлигини билиб олишимизга имкон берди. Бу муҳим иш эди, чунки бу нарсани шу тариқа аниқлаб олиш ҳамжиҳатликка эришувимиз мумкин бўлган масалаларни ажратиб олишимизга имконият берди. Бизнинг фикримизча, музокаралар ўзаро ишончсизликдан иборат бўлган анчагина давр ўтгандан кейин олиб борилганлигини айниқса ҳисобга олинадиган бўлса, яхши натижалар берди дейиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, энг муҳими шуки, Совет Иттифоқи билан Буюк Британия ўртасида дўстона муносабатларни йўлга қўймоқ, яхшиламоқ ва янада ривожлантирмоқ учун негиз солинди. Бу эса мамлакатларимиз халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Музокараларнинг натижалари шу нарса учун янги далил бўладики, яхши ният бўлган тақдирда, ҳамкорликни амалга ошириш мумкин ва давлатларнинг ижтимоий системаларидан қатъи назар, уларнинг тинч-тотув бўлиб яшашлари мумкин.

Музокараларда эришилган натижаларнинг катта аҳамияти яна шундадирки, бу музокаралар халқаро кескинликни янада юмшатиш йўлида янги босқич бўлди, мамлакатлар ўртасида яхши ишонч ўрнатиш ишида муҳим қадам бўлди.

Англияда бўлган вақтимизда бизни жуда дўстона тарзда ва меҳмондўстлик билан қабул қилиб олдилар, бунинг учун биз инглиз халқига, Бирлашган Короллик ҳукуматининг Бош Министри сэр Антони Иденга ва унинг коллегаларига яна бир марта самимий ташаккур изҳор қиламиз.

Англияда бўлган вақтимизда Лондондан ташқари Оксфорд, Бирмингам, Эдинбург шаҳарларини ва бошқа районларни бориб кўрдик. Ҳамма жойда бизни яхши, дўстона тарзда кутиб олдилар.

Бизнинг кўп вақтимиз музокаралар олиб боришга ва бошқа расмий тадбирларни амалга оширишга сарф бўлди ва шу сабабли, афсуски, Англиянинг оддий кишилари билан учрашишга имкониятимиз бўлмади. Лекин аҳоли билан бўлган битта-яримта учрашувларнинг ўзи ҳам, инглизларнинг бизнинг визитимизга кўрсатган эътибори, Совет Иттифоқининг вакиллари сифатида бизга қарата айтилган табриклар инглиз халқининг СССР халқлари билан дўст бўлишни истаётганлигини кўрсатади. Биз шунга амин бўлдикки, инглиз халқи тинчликка ва мамлакатимиз билан яхши муносабатларни ривожлантиришга интилмоқда. Биз ўз нутқларимизда инглизларга, совет кишилари инглиз халқига нисбатан дўстлик ҳислари билан қарамоқда, деб айтдик, чунки биз биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари йилларида умумий душманга қарши инглиз халқи билан биргаликда курашганлигимизни уқтириб ўтдик.

Агар мен, бизнинг халқларимиз — совет ва инглиз халқлари — бу музокаралар фақат ишнинг бошланиши эканлигини, бундан буён биз бир-биримизнинг гапимизга қулоқ солишимизни англаб, бу музокараларнинг натижаларидан мамнун бўлдилар, деб айтсам, хато қилмаган бўламан деб ўйлайман. **(Давомли қарсаклар).**

Биз миллий мустақилликни ва суверенитетни, территориал бутунликни, ички ишларга аралашмасликни ҳурматлаш асосида ҳамма мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга интилмоқдамиз.

Ҳамма халқлар мустаҳкам, узоқ давом қиладиган тинчлик бўлишини кутмоқдалар, халқаро кескинликнинг юмшатилишини сабрсизлик билан орзу қилмоқдалар. Бу соҳада кейинги вақтларда яхшиликка томон кўпгина ўзгаришлар бўлди. Лекин совуқ муносабатлар уруши деб аталган вазиятни батамом тугатиш йўлида бирталай тўсқинликлар бор. Бундай тўсқинликлар асосан АҚШдаги баъзи бир таъсирдор доиралардан келиб чиқмоқда, чунки улар халқаро кескинликнинг юмшатилишига манфаатдор эмаслар. Афтидан, АҚШда совуқ муносабатлар уруши сиёсатидан воз кечмоқ учун шарт-шароит ҳали етилмаганга ўхшайди.

Лекин бизнинг фикримизча, Америка Қўшма Штатларида ҳам ҳамжиҳатлик ўрнатиш йўлига озми-кўпми тушиб олиш истаги ҳозир пайдо бўла бошламоқда. Буни, жумладан, АҚШ Президенти Эйзенхауэрнинг Америкадаги газета редакторлари жамиятида яқинда берган баёноти кўрсатиб турибди. Биз унинг баёнотидаги кўп фикрларга асло қўшилолмаймиз, чунки бу фикрлар ишонч ўрнатишга ёрдам беролмайди. Лекин шу блан бир вақтда Президент баёнотида АҚШ низоли проблемаларни бартараф қилишга олиб борадиган йўлларнинг ҳаммасини текшириб кўришга тайёрдир, Совет ҳукумати АҚШ билан дўстона муносабатларда бўлиши мумкин, деган қимматли гаплар ҳам айтилган.

Шу сўзларга яраша амалий ишлар қилинур, деб умид қиламиз. Совет ҳукуматига келганда, у бошқа мамлакатлар билан бўлгани сингари АҚШ билан ҳам дўстона муносабатлар ўрнатиш тарафдоридир ва бу йўлда биз мумкин бўлган ҳамма чораларни кўрамиз.

Агар ҳар иккала томон яхши ният билан иш кўрадиган бўлса, кўпгина англашилмовчиликларнинг бартараф қилиниши, СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши мумкинлигига аминмиз. Ҳар иккала томонда баб-баравар истак бўлган тақдирда, биз англашилмовчиликларни бирин-кетин аста-секин йўқотолган бўлур эдик ва зарур ишончни вужудга келтиролган бўлур эдик, қурол-яроғларни камайтириш, атом ва водород қуролини тақиқлаш, бу қуролни синашни тақиқлаш проблемасини ҳал қилишга эришолган бўлур эдик. Совет Иттифоқи, АҚШ ва бошқа барча мамлакатлар халқларининг манфаатларини кўзлаб, давлатлар ўртасида савдо, маданий алоқаларни ва бошқа алоқаларни кенг ривожлантирмоқ учун шароит вужудга келтириш зарур.

Биз совуқ муносабатлар урушини тугатишга интилмоқдамиз. Совуқ муносабатлар урушининг тугатилиши инсониятнинг эркин нафас олишига ва ўзининг бутун куч-ғайратини халқлар бахт-саодати учун керакли янги моддий ва маданий бойликларни яратмоқ учун сарфлашига имкон беради.

Совет ҳукумати халқаро кескинликни йўқотишга, хавфсизликни мустаҳкамлашга ва мустаҳкам тинчлик ўрнатишга бундан буён ҳам ҳормай-толмай ҳаракат қила беради.

Биз жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг халқлари билан кенг алоқалар ўрнатишга, социалистик партиялар билан алоқалар ўрнатишга тарафдормиз.

Коммунистик партиялар билан социалистик партиялар кўпгина масалаларга турлича нуқтаи назар билан қарамоқдалар, улар ўртасида принципиал келишмовчиликлар бор. Лекин бизлар меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб, ҳозирги замон ишчилар ҳаракатининг асосий, туб масалалари устида алоқада бўлишимиз мумкин ва лозимдир. Булар, аввало, халқаро кескинликни юмшатиш учун, мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун, савдо ва маданий соҳаларда мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш учун курашиш масалаларидан иборатдир.

Англияда бўлган вақтимизда лейбористлар партияси раҳбарларининг биз билан учрашиш ва ҳар иккала партияни — КПССни ҳамда лейбористлар партиясини қизиқтираётган муҳим масалалар устида фикрлашиб олиш тўғрисидаги таклифини мамнуният билан қабул қилдик. Икки ўртада шундай учрашиш бўлди.

Сиз, ўртоқларга, шуни ошкора айтишимиз керакки, бу учрашув натижасида бизда шундай фикр ҳосил бўлди: лейбористлар партияси раҳбарлигида бўлган арбобларнинг бир қисми советларга қарши бўлган реакцион позицияда турибди. Лейбористлар партиясининг баъзи раҳбарлари Совет Иттифоқига, КПССга, халқ демократияси мамлакатларидаги коммунистик ва ишчи партияларига нисбатан ўзларининг зарарли қарашларидан шу вақтгача воз кечганлари йўқ.

Аллақандай социал-демократлар тўғрисида махсус саволлар тайёрлаб, бизларнинг қўлимизга тутқиздилар. Бу саволларда айтилишича, бизда ва халқ демократияси мамлакатларида қандайдир социал-демократлар тюрьмаларга қамаб қўйилган эмиш. Биз бу саволларни иғвогарликдан иборат саволлар деб, қатъиян рад қилдик.

Агар мана шу лейбористларнинг раҳбарлари КПСС га нисбатан яхши ниятда бўлганларида эди, улар бизга бошқароқ тарздаги саволларни берган бўлур эдилар. Биз ўтмишда бир қанча ҳолларда йўл қўйилган хатоларни тузатмоқ учун ҳамма чораларни кўраётганлигимизни ва гуноҳсиз ҳукм қилинган кишилар оқланганлигини, суд томонидан кўрилган ва тўғрилиги ҳақида бирор шубҳа бўлган ишларнинг ҳаммаси фақат СССРдагина эмас, шу билан бирга халқ демократияси мамлакатларида ҳам қайтадан кўрилаётганлигини улар жуда яхши биладилар-ку.

Буни бутун дунё билади, бу нарса лейбористларнинг мазкур раҳбарларига ҳам яхши маълум. Модомики шундай экан, улар бу саволни ва шунга ўхшаш разил саволларни нима учун ўйлаб чиқардилар? Бунинг сабаби шуки, улар реакционерларга ўзларини яхши кўрсатмоқ учун шундай қилдилар. Буни бошқача изоҳлаш қийин. Ишчилар синфи турли отрядларининг бир-биридан ажралиши фақат реакционерлар учунгина манфаатлидир ва реакционерларгина ишчилар синфининг бирлигидан жуда қўрқадилар. Бинобарин, баъзи лейборист раҳбарларнинг, ишчилар синфининг манфаатларини ҳимоя қилаётирмиз, деб айтаётган гаплари ўзлари қилаётган ишларга асло тўғри келмаётир. Чунки улар бирқанча капиталистик мамлакатларда прогрессив арбобларга нисбатан қилинаётган репрессияларга жуда камдан-кам ҳоллардагина ва қўрқа-писа қарши бўлиб чиқмоқдалар.

Афтидан, лейбористлар партияси раҳбарларининг бир қисми бизнинг ўз хатоларимиз ва камчиликларимизни тузатмоқ учун бу ҳақда ошкора айтган гапларимизни гўё бизнинг заифлигимиз ва реакцион кучларнинг сиртдан қилаётган қандайдир тазйиқи натижаси деб тушунганга ўхшайдилар.

Йўқ, бундай эмас, жаноблари. Сизлар бундай ўйласангиз жуда янглишасиз. Сиз социалистик давлатимиз билан, халқимизнинг ишчилар синфи ва унинг авангарди Коммунистик партия раҳбарлиги остида давлатимиз эришган ғалабалари билан ҳисоблашмоғингиз лозим. Халқимиз эришган муваффақиятларни фақат асло тузалмас оппортунистларгина кўрмасликлари ва бу муваффақиятлар билан ҳисоблашмасликлари мумкин. Халқимиз коммунистик қурилиш йўлидан бориб шундай муваффақиятларга эришди. Биз сизларга бизнинг йўлимизни қабул қилинг деб зўрлаётганимиз йўқ, лекин биз мамлакатимиз ишчилар синфи эришган ғалабаларни, дўстларимизнинг ғалабаларини, меҳнаткашларнинг жон фидо қилиб эришган ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз. **(Давомли қарсаклар).**

Биз лейбористларнинг меҳмони бўлиб борганлигимизга қарамай, социалистик мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш йўлидаги уринишларга, шу мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг ғалабаларига ҳамла қилиш йўлидаги уринишларга қатъий зарба бердик.

Бирқанча мамлакатларда реакциянинг ашаддий намояндалари КПССга туҳмат қилиб, КПСС социалистик партиялар билан алоқалар боғлашга қарши бўлиб чиқаётир, коммунистлар билан социалистларнинг ҳаракат бирлиги зарур, деб гапирса ҳам, қандайдир, макрли планлар тузмоқда деган бўҳтон гапларни айтмоқдалар. Бу гаплар ишчилар синфи бирлигининг душманлари тарқатаётган бўҳтоннинг ўзгинасидир, баъзи бир шўринг қурғур социалистлар эса бу бўҳтонга ишонмоқдалар.

Биз ишчилар синфининг турли отрядлари ўртасида бирлик бўлишига тарафдормиз. Турмуш шуни кўрсатдики, мана шундай бирлик бўлган жойларда, меҳнаткашларнинг энг зарур, туб манфаатлари учун курашда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Шу сабабли, бизнинг партиямиз айниқса барча меҳнаткашларни ғоят қизиқтираётган муҳим масалалар устида, яъни халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчликни сақлаш учун кураш сингари масалалар устида ишчилар синфи партияларининг ўртасида бирлик ўрнатишга бундан буён ҳам ҳормай-толмай ҳаракат қилади.

Биз шу нарсага аминмизки, лейбористлар партиясининг баъзи раҳбар арбоблари томонидан тарқатилган бўҳтон гапларга оддий лейбористлар асло қўшилмайдилар, айрим лейборист раҳбарларнинг позициясини омма асло қўллаб-қувватламайди. Англия меҳнаткашлари, шу жумладан, оддий лейбористлар ҳам совет халқи билан, Совет Иттифоқи Компартияси билан дўст бўлишни ва ҳамкорлик қилишни истаётганликларига ишонамиз, чунки бу — халқаро кескинликни юмшатиш учун курашда муваффақият қозонишнинг негизидир, кескинликнинг юмшатилиши эса қурол-яроғларга бўладиган харажатни камайтиришга ҳамда халқларнинг моддий фаровонлигини яхшилашга олиб келади.

Партиямиз Марказий Комитети КПСС XX съездининг социалистик ва ишчи партиялар билан алоқалар ўрнатиш тўғрисидаги қарорларини бундан буён ҳам собат билан амалга ошира беради.

Биз, лейбористлар партияси бизнинг фикримизни тўғри тушунади ва бу йўлда зарур тадбирларни кўради, деб ишонамиз. Биз лейбористларнинг баъзи раҳбарлари томонидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига қарши иғвогарлик мақсади билан қилинган туҳматлар ва шахсий ғаразлардан устун туришга тайёрмиз ва шундай шахсий ғаразларга ва туҳматларга қарамай, инглиз лейбористлари лозим бўлган даражада эътибор берсалар ва уларда истак бўлса, улар билан алоқалар ўрнатишимиз мумкин. Равшандирки, бундай алоқалар Англия ва Совет Иттифоқи меҳнаткашларининг манфаатлари учун жуда муҳимдир.

Мен сўзимни тамомлар эканман, Сиз москвалик ўртоқларни келаётган 1 Май байрами билан табриклайман ва Сизларга Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида қилаётган меҳнатларингизда муваффақиятлар тилайман. **(Давомли қарсаклар).**

Яшасин Совет Иттифоқи билан Буюк Британия халқлари ўртасидаги дўстлик! **(Давомли қарсаклар).**

Яшасин бутун дунёда тинчлик! **(Гулдурос қарсаклар).**

* * *

КПСС Москва шаҳар Пролетар район комитетининг секретари А. М. Пегов резолюция проектини ўқиб беради.

Англия-Совет музокараларининг муваффақиятли тугалланганлиги муносабати билан Москва меҳнаткашлари митингининг РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Барча совет кишилари сингари Москва меҳнаткашлари ҳам шу нарсани ғоят мамнун бўлиб қайд қиладиларки, Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг Англияга қилган сафарлари натижасида Англия-Совет музокаралари муваффақият билан тугалланди. Музокараларнинг бу муваффақияти СССР билан Буюк Британия ўртасида муносабатларни яхшилаш, умумий тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига қўшилган катта ҳиссадир.

Совет кишилари Совет ҳукуматининг мамлакатимиз халқларининг истак ва орзуларига тўла равишда мос бўлиб туша ётган тинчликсевар ташқи сиёсатини қизғин маъқулламоқдалар.

СССР ва Буюк Британия давлат арбоблари ўртасида шахсий алоқа ўрнатилганлиги ҳамжиҳатликка эришишда ва Англия-Совет дўстона ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим фактордир.

Совет кишилари Совет-Англия музокаралари тўғрисидаги қўшма Баёнотни Европада тинчлик ва хавфсизлик учун ҳамда умумий тинчликни сақлаб турмоқ учун катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжат деб ҳисобламоқдалар. Улар СССР билан Буюк Британия ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни янада кенгайтириш зарурлиги эътироф қилинганлигини якдиллик билан табрикламоқдалар.

Шу нарса шак-шубҳасиздирки, барча мамлакатларнинг халқлари Буюк Британия ва Совет Иттифоқи ҳукуматларининг, халқаро кескинликни янада камайтириш, ядро қуролини тақиқлаш ва қуролсизланиш йўлидаги куч ва ғайратимизни давом этдирамиз, деб қилган баёнотларини, шунингдек ҳар иккала томон мустақилликни ва суверенитетни, территориал бутунликни ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликни ҳурматлаш барча давлатларнинг ижтимоий системаларидан қатъи назар, уларнинг дўстона ҳамкорлик қилишлари ва тинч-тотув бўлиб яшашлари учун асосдир, деб эътироф қилганликларини мамнуният билан маъқуллайдилар.

Москваликлар Буюк Британиядаги барча самимий тинчлик тарафдорларига ўзларининг дўстона саломларини юборадилар ҳамда Британия халқига бахтиёрлик ва равнақ тилайдилар.

Яшасин Совет Иттифоқи ва Буюк Британия халқларининг дўстлиги!

* * *

Москваликлар резолюцияни қизғин қарсаклар билан қабул қиладилар. Шу пайтда Марказий аэродромдан радио орқали эшиттириб турилган ва телевидение орқали кўрсатиб турилган митингни ва ундаги сўзларни эшитган ва кўрган миллион-миллион совет кишилари ҳам совет раҳбарларининг Англияга қилган саёҳатларида эришилган ва ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатнинг, халқлар ўртасида дўстлик ва тинчлик сиёсатининг, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати зўр ғайрат билан ўтказиб келаётган сиёсатнинг ёрқин далили бўлган натижаларни бутун қалблари билан маъқулладилар

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари автомашиналарга тушиб, аэродромдан жўнайдилар. Ленинград шоссесида ва бошқа кўчаларда тўпланган ўн минглаб кишилар яхши ният билан қилинган сафарни муваффақият билан тугаллаган Н. А. Булганинни ва Н. С. Хрушчевни жон диллари билан табриклаб турдилар. (ТАСС).

Тошкентда В. И. Ленин ҳайкалини тантанали очиш маросими

Ўзбекистон меҳнаткашлари революциянинг улуғ генийси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленинни чексиз севадилар. Республика шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари бутун совет халқи билан биргаликда ўз кучларини Ленин иши учун курашга сафарбар қилмоқдалар, мамлакатни Ленин йўлидан коммунизм сари дадил олиб бораётган жонажон Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашмоқдалар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ленинизмнинг улуғ байроғига ўз садоқатини бутун Ватанимиз, бутун прогрессив инсоният Ильич туғилган куннинг 86 йиллигини нишонлаган кунларда янада зўр куч билан намойиш қилиб кўрсатдилар. 30 апрельда Тошкентда В. И. Ленин ҳайкалининг очилишига бағишланган умумшаҳар митинги бўлди. Бу митинг Коммунистик партияга, Лениннинг ўлмас ишига бутун халқ муҳаббати ва садоқатини яна бир карра ёрқин ифода этган намойиш бўлди.

Республика пойтахтининг Қизил майдони Биринчи май арафасида улуғвор ва тантанали маросим либосини кийган эди. Бу Қизил майдон Тошкент меҳнаткашларининг намойишлари ва халқ байрамлари ўтказиладиган традицион жой бўлиб қолди. Саноат корхоналари, муассасалар, илмий институтлар ва ўқув юртлари коллективларининг, шунингдек ҳарбий қисмларнинг вакиллари шаҳарнинг ҳамма қисмидан бу майдонга келдилар. Ҳукумат уйи биноси олдидаги трибуналарда Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Тошкент область ва шаҳар комитетларининг аъзолари, СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Советининг, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг депутатлари, Ўрта Осиёдаги революцион ҳаракатнинг ветеранлари, саноат илғорлари, фан, маданият ва санъат арбоблари турибдилар. Митинг қатнашчилари байроқларни, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи май Чақириқлари ёзилган қизил алвонларни кўтариб олганлар. Партия ва Ҳукумат раҳбарларининг баланд кўтарилган портретлари қизил ленталар ва гуллар билан безалган. Митингда жами 50 мингдан ортиқ киши қатнашди.

Ҳукумат уйи олдидаги баланд гранит постаментда В. И. Лениннинг катта ҳайкали қад кўтариб турибди. Ҳайкал оқ пойига ўралган.

... Соат 11. М. А. Абдураззоқов, О. А. Алимов, А. П. Бизов, С. К. Камолов, А. А. Лучинский, Р. Е. Мельников, М. З. Мирзааҳмедов, Қ. Муртазоев, Н. А. Муҳиддинов, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, Тошкент область партия комитетининг секретари С. Н. Нуриддинов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Ғ. Ғуломов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Турсунов ва бошқа ўртоқлар В. И. Ленин ҳайкалининг гранит постаментига чиқадилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Ғ. Ғуломов трибунада ўрнатилган микрофон ёнига келади. У, ленинизм идеяларининг улуғворлиги тўғрисида, В. И. Лениннинг халқ олдида, Коммунистик партия олдида, халқаро революцион ҳаракат олдида қилган буюк хизматлари тўғрисида гапиради.

— Ильичнинг порлоқ образи ҳарбир совет кишисининг қалбида яшамоқда ва абадий яшайди. Совет халқининг коммунистик қурилишда эришган барча буюк ғалабалари Ильичнинг номи билан чамбарчас боғланган.

Партия ўзининг бутун қаҳрамонона йўлида маркса-ленинча таълимотнинг софлигини кўз қорачиғидай сақлаб келмоқда. Партия ленинизмга садоқатни ўз ҳаёти ва фаолиятининг олий қонуни деб ҳисоблайди. Партия ўзининг XX съездида буни ёрқин намойиш қилиб кўрсатди. Бу съезднинг иши ва қарорлари ленинча руҳ билан суғорилган. Совет халқи ленинизм байроғи остида, Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида ўз ҳаётининг чинакам ижодчиси бўлиб қолди, социалистик жамият қурди, эндиликда эса коммунизмнинг улуғвор биносини муваффақиятли суратда барпо қилмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида, дейди ўртоқ Ғуломов, жонажон Ўзбекистонимизнинг қиёфаси тамомила ўзгарди. Коммунистик партиянинг ленинча доно миллий сиёсати ўзбек халқининг ижодий кучларини яшнатишни таъминлади. Ўтмишда Россиянинг қолоқ чекка ўлкаси бўлган Ўзбекистон эндиликда илғор республикага, Совет Иттифоқидаги озод қардош республикалар оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган суверен социалистик давлатга айланди.

Республиканинг пойтахти Тошкент шаҳрининг экономикаси ва маданияти мавж уриб ўсганлиги ленинча идеяларнинг тантана қилганлигини жуда яққол кўрсатди. Йирик завод ва фабрикалар, олий ўқув юртлари ва техникумлар, илмий муассасалар, театрлар ва клублар шаҳри бўлган Тошкент Шарқни социалистик негизда ўзгартириш ҳақидаги ленинча режаларнинг жонли тимсолидир.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг қарорларини ғоят баланд руҳ билан кутиб олдилар. Коммунистик қурилишнинг улуғвор программасидан илҳомланган шаҳар ишчилари, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар XX съезднинг олтинчи беш йиллик план юзасидан Директиваларини муваффақиятли бажариш учун ўзларининг бутун кучларини сафарбар қилмоқдалар.

Лениннинг васиятларига содиқ бўлган Тошкент меҳнаткашлари бундан буён ҳам ўз сафларини Коммунистик партия ва унинг синалган коллектив раҳбари — Ленинчи Марказий Комитет теварагига янада зичроқ жипслаштирадилар. Совет Ўзбекистонининг барча меҳнаткашлари каби Тошкент меҳнаткашлари ҳам социалистик экономика асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қиладилар, ишчилар синфининг деҳқонлар билан ленинча иттифоқини, кўп миллатли Совет давлатимиз куч ва қудратининг манбаи — халқларнинг ленинча дўстлигини мустаҳкамлайдилар.

Ўртоқ Ғуломов митингни очиқ деб эълон қилади. Совет Иттифоқи Гимни ва сўнгра Ўзбекистон ССР Гимнининг тантанали садолари янграйди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. А. Муҳиддиновга сўз берилади. Шу пайтда ҳайкал устидаги парда секин туширилади ва ҳамма киши меҳнаткашларнинг улуғ йўлбошчиси ва устози В. И. Лениннинг бронзадан ясалган ҳайкалига назар солади. Партия гимни «Интернационал»нинг улуғвор садолари янграйди.

— Бугун биз республикамизнинг пойтахти Тошкентда,—деди ўртоқ Муҳиддинов, — Коммунистик партия ва Совет давлатининг гениал асосчиси, меҳнаткашларнинг йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Ленин хотирасига ўрнатилган ҳайкални очмоқдамиз.

Ана шу ажойиб воқиа Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 86 йиллиги билан бир вақтга тўғри келди. Ильич туғилган кунни бутун прогрессив инсоният кенг ва тантанали бир вазиятда нишонлади. Ҳайкални очиш маросими меҳнаткашларнинг халқаро байрами 1 Май арафасида ўтказилмоқда.

Лениннинг номи ер юзидаги оддий кишилар учун энг яқин, энг севимли ва жонажон номдир. Маркс ва Энгельс вафотидан кейин пролетариат улуғ озодлик курашининг тарихи ҳеч қачон Ленин каби буюк сиймони вужудга келтирмаган эди.

Улуғ фан корифейи бўлган Ленин марксча назарияни янги қоида ва хулосалар билан бойитти, янги даврнинг тажрибалари асосида марксизмнинг ғоявий бойлигини кўпайтирди, марксизмни янада ривожлантирди, уни янги, юксак босқичга кўтарди. Лениннинг генийси социалистик революция тўғрисида, социализм ва коммунизм қуриш йўллари ҳамда методлари ҳақида мукаммал таълимот яратти. Буюк ва ғолиб интернационал таълимот бўлмиш ленинизм халқаро ишчилар ҳаракатининг йўлини, капиталистик ва мустамлака мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг озодликка, бахтга, социализмга эришиш йўлини ойдинлаштириб берди.

В. И. Ленин вужудга келтирган ва чиниқтирган большевиклар партияси Россия халқларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасига олиб келди, кўп миллатли меҳнаткашлар оммасини онгли ижодий ишларга сафарбар этди. Социалистик жамият қуришни таъминлади ва эндиликда СССР халқларини дадиллик билан коммунизм ғалабаси сари бошлаб бормоқда. **(Қарсаклар).**

Бешинчи беш йиллик планнинг бажарилиш якунлари партиянинг ленинча бош йўли тантана қилганлигини кўрсатади. СССР тараққиётининг бешинчи беш йиллик плани топшириқлари муваффақиятли суратда бажарилди, кўпгина жуда муҳим кўрсаткичлар юзасидан эса анча ошириб бажарилди. Бутун совет халқи олтинчи беш йиллик планни ғоят зўр ижодий ташаббус билан кутиб олди. Бу планнинг бажарилиши натижасида социалистик Ватанимиз янада қудратли бўлади.

Ленинизм идеялари бутун дунёда тантана қилмоқда ва енгмоқда. Улуғ хитой халқи мустамлака зулми кишанларини абадий парчалаб ташлади. Халқ демократияси мамлакатларининг экономикаси ва маданияти зўр бериб юксалмоқда, уларда яшовчи меҳнаткашларнинг фаровонлиги ошмоқда. Югославия халқлари социалистик қурилишда катта муваффақиятларга эришдилар. Ҳиндистон ва Бирма, Индонезия ва бошқа мамлакатлар мустамлака зулмидан озод бўлдилар. Шармандали мустамлакачилик системаси миллий озодлик ҳаракатининг қаттиқ зарбалари остида барбод бўлмоқда. Социализм бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон системасига айланди.

Ленинча ташқи сиёсат принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи бутун дунёда тинчликнинг қудратли ва мустаҳкам таянчи бўлиб қолди. Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг яқинда Англияга қилган сафари тинчлик ишига қўшилган янги катта ҳисса бўлди.

Ўртоқлар! В. И. Ленин миллий республикаларни ривожлантириш, уларнинг ишлаб чиқарувчи кучларини юксалтириш, бу республикаларда ҳозирги замон саноатини барпо қилиш, маҳаллий аҳоли орасидан ишчилар синфи ва халқ интеллигенциясини вужудга келтириш, миллий маданиятни ўстириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилар эди. Коммунистик партиянинг Ленин томонидан ишлаб чиқилган миллий сиёсатининг ғалабаси республикамиз мисолида яққол кўриниб турибди.

Совет ҳокимияти эндигина барпо қилинган қийин йилларда Владимир Ильич Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисида, Туркистонда ирригация ва мелиорация ишлари тўғрисида, Тошкентда Ўрта Осиё Давлат университетини ташкил этиш ҳақида, ўзбек халқининг ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг яхши турмуш кечириши тўғрисида қилган ғамхўрлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаймиз.

Октябрь революциясидан илгари Ўзбекистон саноати жуда қолоқ эди. Ҳозирги вақтда республикада энг янги машина-ускуналар билан таъминланган юзларча заводлар бор, саноатнинг янги тармоқлари — машинасозлик, химия, кон руда саноати ва бошқа саноат тармоқлари вужудга келтирилди.

Совет ҳокимияти йилларида қишлоқ хўжалигининг аҳволи тамомила ўзгарди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда етиштирилаётган пахта бутун Туркистон ўлкасида Октябрь революциясидан илгари етиштирилган пахта миқдоридан беш баравардан зиёд кўпдир.

Ўзбек халқининг маданияти мислсиз юксалди. Совет ҳокимияти йилларида бизнинг республикамизда миллий интеллигенциянинг кўп кадрлари етишдики, булар Совет Ўзбекистонининг ифтихоридир. Кўп сонли ўқув юртлари ва илмий муассасаларда 6 мингдан ортиқ олим, шу жумладан, 2 минг фан доктори ва фан кандидати ишламоқда. Республикада минглаб мактаб, маданий оқартув муассасалари ва медицина муассасалари ташкил этилди. Адабиёт ва санъатнинг кўпгина ажойиб кадрлари ўсиб етишди.

Ўзбек халқи жаҳолат ва мустамлакачилик асоратидан бахтиёр социалистик ҳаётни барпо қилишгача босиб ўтилган йўлга бир назар солиб, ўлмас Лениннинг улуғ васиятларини амалга ошириш натижаларини яққол кўриб турибди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон меҳнаткашлари жонажон Совет ҳукуматига, шонли Коммунистик партияга, отамиз ва устозимиз Владимир Ильич Ленинга самимий ташаккур ва миннатдорчиликни, чексиз муҳаббат ва садоқатни кўнгилларига абадий жо қилиб олганлар.

Ўртоқлар! Хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида шубҳасиз катта муваффақиятларга эришдик. Аммо, улуғ Ленин эришилган муваффақиятлар билан мағрурланмаслик керак, муваффақиятларга хушёрлик билан баҳо бериш, камчиликларни дадиллик билан очиб ташлаш керак, деб таълим берди. Биз ҳозирги кунда ишимиздаги катта камчиликлар тўғрисида гапирмай ўтолмаймиз. Маълумки, бизнинг республикамиз бир неча йилдан буён пахта тайёрлаш давлат планини бажармай келмоқда. Саноат корхоналарининг учдан бир қисми белгиланган топшириқларни бажармаётир. Капитал қурилиш, хусусан уй-жой қурилиши суст олиб борилмоқда. Чорвачилик соҳасидаги, картошка ва сабзавот етиштириш соҳасидаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Бунинг натижасида шаҳарларимизнинг ва саноат марказларимизнинг аҳолиси, биринчи галда, Тошкент шаҳрининг аҳолиси гўшт, ёғ, сўт, картошка ва сабзавот билан етарлик равишда таъминланмаётир. Савдо ташкилотларининг ишларида тегишинча тартиб ўрнатилмаган, социалистик қонун ва ҳуқуқ тартибларини қўпол равишда бузиш ҳоллари учраб туради. Ишимиздаги ана шу катта камчиликларни йўқотиш — республикадаги партия ва совет органларининг асосий вазифаларидан биридир.

КПСС XX съездининг Директиваларида халқ хўжалигини янада ривожлантириш, Ўзбекистон меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини ошириш соҳасида катта вазифалар қўйилди. Пахта етиштиришни доим кўпайтириш, бу йил мамлакатга камида 3 миллион тонна пахта топшириш — бизнинг шарафли ишимиз, Ўзбекистон меҳнаткашларининг ватанпарварлик бурчидир.

Уй-жой ва маданий-маиший қурилишга катта эътибор берилади. Бешинчи беш йилликда республикада ободончилик ишларига 257 миллион сўм, Тошкент шаҳрида эса 162 миллион сўм ажратилган бўлса, олтинчи беш йилликда ана шу ишлар учун республика бўйича салкам 800 миллион сўм ва Тошкент шаҳри бўйича салкам 400 миллион сўм ажратиш кўзда тутилади.

Ўртоқлар! Улуғ Ленин Коммунистик партияга ва совет халқига халқлар дўстлигини кўз қорачиғидай сақлаш, бу дўстликни тинмай мустаҳкамлаш керак, деб таълим берган эди.

Владимир Ильич ҳайкали ёнида ўзбек халқи номидан КПСС Марказий Комитетини ишонтириб айтаманки, Ленин васиятларига содиқ бўлган Ўзбекистон меҳнаткашлари улуғ рус халқи бошчилигида социалистик Ватанимизнинг барча халқлари блан дўстлик ва қардошликни бундан буён ҳам мустаҳкамлайдилар. **(Давомли қарсаклар).**

Бизнинг йўлбошчимиз ва доно устозимиз Ленин ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини Совет давлатининг негизи, деб ҳисоблар эди. Биз бу ерда, Владимир Ильич Ленин ҳайкали олдида КПСС Марказий Комитетини ишонтириб айтамизки, Ўзбекистоннинг шонли ишчилар синфи ва меҳнатсевар колхозчи деҳқонлари, талантли интеллигенциямиз жонажон социалистик Ватанимизни янада яшнатиш учун бундан буён ҳам бир жон бир тан бўлиб меҳнат қилади. **(Давомли қарсаклар).**

Улуғ Ленин коммунистларга таълим бериб, омма билан алоқани тинмай мустаҳкамлаш, оммадан ўрганиш, бутун янгиликни, илғорликни дадил қўллаб-қувватлаш, меҳнаткашларнинг бахт-саодати тўғрисида доим ғамхўрлик қилиш, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида партия ташкилотларининг моҳирлик блан раҳбарлик қилишини таъминлаш керак, деган эди. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг шонли, жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон партия ташкилоти Ўзбекистон меҳнаткашларини партиянинг Ленинчи Марказий Комитети теварагига тағин ҳам зичроқ жипслаштириш, кенг омма билан ўз алоқасини янада мустаҳкамлаш ва партия ҳаётининг нормаларига ҳамда коллектив раҳбарликнинг ленинча принципига қаттиқ амал қилиш асосида халқ хўжалигини юксалтиришда, республика меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ва маданиятини ўстиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун бутун чорани кўради. **(Давомли қарсаклар).**

Партия Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистонни янада яшнатиш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Биз, Тошкент меҳнаткашларига шуни маълум қиламизки, кейинги вақтларда Иттифоқ ҳукумати ва КПСС Марказий Комитети республикамизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш, капитал ва уй-жой қурилишини яхшилаш, шаҳарларни, ишчи ва колхоз посёлкаларини обод қилиш юзасидан Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети томонидан қўйилган бирқанча муҳим масалаларни қараб чиқдилар. Ўзбекистонга илгари ҳеч қачон кўрилмаган даражада кўп моддий техника ёрдами кўрсатилмоқда.

Биз, Партия ва Ҳукуматнинг ана шу ғамхўрлигига жавобан хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида фидокорлик билан меҳнат қилишимиз, олтинчи беш йилликнинг биринчи ва ҳал қилувчи йили бўлган 1956 йилдаги топшириқларни муддатидан илгари сўзсиз бажаришни таъминлаш учун бутун куч ва ғайратимизни сафарбар қилишимиз керак **(Давомли қарсаклар)**

Тошкент меҳнаткашлари, бутун ўзбек халқи Владимир Ильич Ленин ҳайкалини очиш маросимида Ленин ишига чексиз содиқ бўлиб қоламиз, Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига чексиз содиқ бўлиб қоламиз, деб яна бир марта қасамёд қилдилар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Меҳнаткашларнинг катта митинги ўтказилаётган бу майдон Тошкентнинг ва бутун Ўзбекистоннинг ҳаётида жуда катта аҳамиятга эгадир. Шу майдонда доим меҳнаткашларнинг митинглари ва традицион намойишлари ўтказилади. Агар мен эндиликда бу майдонни Ленин майдони деб аташ ҳақида таклиф киритсам, шу митингда ҳозир бўлган ҳамма кишининг ва Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг умумий фикрини изҳор қилган бўламан, деб ўйлайман. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Никита Сергеевич Хрушчевнинг образли қилиб айтишича, бизнинг халқимиз шундай тоққа, шундай баландликка кўтарилдики, бу баландликдан бизнинг туб мақсадимиз—коммунистик жамиятга олиб борадиган йўлнинг кенг горизонтлари эндиликда яққол кўриниб турибди.

Ленин байроғидан мадад олган совет халқи ўзининг жонажон Коммунистик партияси раҳбарлиги остида коммунизмнинг тўла тантанаси учун курашда янгидан- янги буюк муваффақиятларга эришади.

Яшасин бизнинг қаҳрамон совет халқимиз!

Ўлмас Ленин вужудга келтирган улуғ Коммунистик партиямизга шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин бизнинг ғолиб байроғимиз — ленинизм!

Митинг қатнашчилари бу табрик хитобларини давомли гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Октябрь социалистик революциясининг ветерани, 1918 йилдан буён КПСС аъзоси М. Ф. Егорова митинг қатнашчиларига қарата нутқ сўзлади.

— Бугун, — деди у, завқ билан, — Тошкент меҳнаткашларининг ҳаётида, бутун Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаётида шонли кундир. Улуғ ва ўлмас Ленин хотирасига ўрнатилган ҳайкални очиш маросимида қатнашиш буюк қувончдир. Лениннинг номи ҳар бир оддий кишининг қалбига ғоят яқин ва азиздир. Бу ном дунёдаги ҳамма тилларда кишиларнинг янги ҳаёти ва бахти учун, тинчлик ва демократия учун, халқларнинг бузилмас дўстлиги учун кураш символи бўлиб жарангламоқда.

Мен большевиклар кекса авлодининг вакилларидан бириман. Мен Владимир Ильич Ленинни кўриш ва унинг сўзларини эшитиш шарафига муяссар бўлганман. Лениннинг Финляндия вокзалида сўзлаган нутқи хотирамда абадий қолди. Ленин бу нутқида: «Яшасин социалистик революция!» деган жанговар шиорни биринчи марта илгари сурган эди.

Ленин амалга ошириш учун курашган ва ўз ҳаётини бағишлаган иш ажойиб натижалар берганлигини билиш қувончлидир. Ильичнинг ўлмас идеялари коммунизм қураётган совет кишиларининг қаҳрамонлик зафарларида ўз ифодасини топти. Бу идеялар социалистик тараққиёт йўлига мустаҳкам суратда ўтиб олган улуғ хитой халқининг ва халқ демократияси мамлакатлари меҳнаткашларининг шонли ишларида яшамоқда. Ленин идеялари ўзбек халқининг экономикаси ва маданияти юксалганлигида ҳам ўз ифодасини топти.

Бизнинг қаҳрамон Ватанимиз кун сайин яшнамоқда ва мустаҳкамланмоқда. Шонли Коммунистик партиямизнинг XX съезди биз учун буюк истиқболлар очиб берди. Коммунистик қурилиш соҳасида съезд томонидан белгиланган программани муваффақиятли суратда амалга ошириш— бизнинг фахрли бурчимиз ва вазифамиздир. **(Давомли қарсаклар).**

Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи қозон цехининг мастери, кекса ишчи К. Ф. Тарасов ўз нутқида қуйидагиларни айтди:

— Мен кекса ишчиман, революциядан илгари меҳнаткашлар оғир аҳволда яшаганликларини яхши биламан. Бу ерда Владимир Ильич ҳайкалини очиш маросимида қатнашиш мен учун айниқса қувончлидир, чунки халқнинг озодлиги ва бахт-саодати учун олиб борган бутун курашимиз Коммунистик партия номи билан, Ленин номи билан боғланган. Ўзбек халқини қуллик ва зулмдан озод қилиш учун, ҳар бир ишчи оиласининг, эндиликда ҳаётнинг кенг йўли очиб берилган болаларимизнинг бахт-саодати учун олиб борилган кураш Лениннинг номи билан боғланган.

Биз Лениннинг илҳом бахш сўзини доим жона-жон Коммунистик партиямизнинг сўзи деб қабул қилиб келдик ва шундай қабул қиламиз. Лениннинг сўзи Октябрь кунларида, қўлимизга қурол олиб, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини барпо қилиш учун курашган кунларимизда бизни илҳомлантирган эди. Ленин сўзи жонажон Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаш учун бизни меҳнат соҳасида қаҳрамонлик зафарларига отлантирди ва отлантирмоқда.

Ўртоқлар! Ҳозирги тантанали пайтда сизларнинг қалбингиз каби менинг қалбим ҳам Ленин йўлидан қатъият билан бора ётган жона-жон Коммунистик партияга муҳаббат ва миннатдорчилик туйғулари билан тўлиб тошди. Мен ёшларимизни Ленин қандай яшаган ва қандай меҳнат қилган бўлса, шундай яшашга ва шундай меҳнат қилишга чақираман.

Улуғ, жона-жон ва севикли Ленин барча совет кишиларининг қалбида абадий яшасин! **(Давомли қарсаклар).**

Кекса ишчидан кейин колхоз далалари меҳнаткашларининг вакили — Янгийўл районидаги Свердлов номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Шораҳмедов трибунага чиқади.

— Бизнинг йўлбошчимиз ва устозимиз Владимир Ильич Ленин, — деди у, — биз деҳқонларга бахтли ва яшнаб турган колхоз ҳаётини барпо қилиш йўлини кўрсатиб берди. Биз Ильичнинг колхоз тузумигина меҳнаткаш деҳқонларни қашшоқликдан қутқаза олади, уларни кенг ҳаёт йўлига олиб чиқолади, деган кўрсатмасини доим эсда тутамиз.

Биз жона-жон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлиги остида қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни муваффақиятли суратда амалга оширдик, колхозларимизнинг кун сайин яшнашига эришдик.

Ленин бир вақтлар мамлакатимизнинг далаларида юз минг тракторнинг ишлашини орзу қилган эди. Ҳозирги вақтда колхоз ва совхоз далаларида миллионлаб трактор ишламоқда.

Биз, колхозчилар Ленин чизиб берган йўлдан бориб, бахтли, бадавлат ҳаётни барпо қилдик, меҳнат соҳасидаги муваффақиятларимизни тўхтовсиз оширмоқдамиз.

Бизнинг колхозимиз колхоз тузумининг гуллаб яшнаганлигига мисол бўла олади. Ҳозирги вақтда кўп колхозчиларимиз обод уйларда бадавлат ҳаёт кечирмоқдалар. Барча колхозчиларнинг уйлари электр билан таъминланди.

Партия ва Ҳукуматнинг биз колхозчилар тўғрисидаги ғамхўрлигига жавобан бундан буён ҳам колхоз тузумини тинмай мустаҳкамлаймиз. Партия XX съездининг қишлоқ хўжалигидаги барча тармоқларни, шу жумладан, пахтачиликни янада зўр бериб юксалтиришга эришиш ҳақидаги кўрсатмасини шараф билан бажаришни ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг колхозимиз бу йил 1.111 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан пахта етиштиришга қарор қилди. Биз бу билан мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш ишига, олтинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини бажариш ишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Барча ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига шон-шарафлар бўлсин! **(Давомли қарсаклар).**

Шаҳар интеллигенциясининг вакили, В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг профессори И. А. Райкова сўзлайди. У, миллий республикаларнинг экономикаси ва маданияти ғоят ўсганлигини таъкидлайди.

Ўзбекистон ёппасига саводхонлар республикаси бўлиб, маданият, фан ва техника соҳасида кўпгина миллий кадрлар етиштирди. Бундан қирқ йил илгари Туркистон ўлкасида мактаблар жуда кам эди, театрлар йўқ эди.

Ўртоқ Райкова ана шу муваффақиятларга тўхталиб, В. И. Лениннинг Ўрта Осиёда маданий қурилиш ишларига зўр эътибор қилганлиги ҳақида гапиради. 1918 йилнинг ноябрь ойидаёқ Москвада Ильичнинг кўрсатмасига мувофиқ, Туркистон Давлат университетини ташкил қилиш соҳасидаги ишлар бошлаб юборилган эди. В. И. Ленин 1920 йил 7 сентябрьда Тошкент шаҳрида Туркистон Давлат университетини ташкил қилиш тўғрисидаги декретни имзолади. Кўпгина рус олимлари, шу жумладан, ўртоқ Райкованинг ўзи ҳам Ленин чақириғига жавобан доимий ишлаш учун Тошкентга келишни истаганликларини билдирдилар. В. И. Ленин номига қўйилган Ўрта Осиё Давлат университети маданият, фанни, олий таълимни ва Ўзбекистоннинг бутун халқ хўжалигини ривожлантиришда катта роль ўйнади.

Ўртоқ Райкова митинг қатнашчиларини ишонтириб айтадики, республиканинг фан ва маданият арбоблари ленинизмнинг улуғ байроғига доим содиқ бўлиб қоладилар, КПСС XX съездининг тарихий қарорларида ўз олдиларига қўйилган масъулиятли вазифаларни шараф билан бажарадилар.

Ўрта Осиё Политехника институтининг студенти Тўлқиной Алимжонова трибунага чиқади. У, Тошкент ёшларининг фикр ва туйғуларини изҳор қилиб, совет юртида, доно Коммунистик партия томонидан жипслаштирилган совет социалистик республикаларининг улуғ оиласида яшаш ва меҳнат қилиш бахтли эканлиги тўғрисида гапиради.

Партия ва Ҳукумат Лениннинг васиятларини бажара бориб, ёшларнинг ўқиши ва ижодий меҳнат қилиши учун керакли бутун шароитни яратиб бердилар. Ёшларга кенг ва ёруғ йўл очиб берилди. Ёшлар ҳам Ватан олдида қарздор бўлиб қолмайдилар. Қаерга назар солмангиз, ҳамма ерда коммунистик қурилишда актив қатнашаётган ёш ватанпарварларни кўрасиз. Комсомоллар ва улар билан биргаликда барча ёшлар бепоён даштларга ҳаёт бағишламоқдалар, янги гидроэлектростанцияларни барпо қилмоқдалар, шахталар қазимоқдалар, олтинчи беш йилликда хўжалик ва маданий қурилиш юзасидан XX съездда белгиланган улуғвор программани муваффақиятли суратда амалга ошириш учун курашда янгидан-янги ғалабаларга эришмоқдалар.

Ўртоқ Алимжонова давомли қарсаклар остида бундай деди: Ленин таълим берганидек яшаш, Ленин каби ўқиш, халқнинг бахт саодати учун, Ватаннинг бахт саодати учун Ленин талаб қилганидек меҳнат қилиш — совет ёшларининг шиоридир.

Митинг ёпиқ деб эълон қилинади. Терма оркестр партия гимни — «Интернационал»ни ижро қилади.

Тантанали маросим тамом бўлса ҳам майдонда одамлар кўп эди. Жона-жон Лениннинг хотирасига ўрнатилган ҳайкални кўриш учун неча минглаб меҳнаткашлар майдонга келадилар. Улар улуғвор ҳайкални меҳр-муҳаббат билан кўздан кечирадилар. Бу ҳайкал Владимир Ильич Лениннинг қоматини тасвирлайди. Ҳайкал ҳайкалтарош М. Г. Манизернинг эскизига мувофиқ Ленинграддаги «Монумент-скульптура» заводида бронзадан қуйилган.

Ана шу ажойиб кун ўзбек халқининг тарихига абадий ёзилиб қолади. Тошкентда ўтказилган кўп минг кишилик митинг партия билан халқнинг мустаҳкам бирлигини, Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг ва бутун ўзбек халқининг Коммунистик партияга, Владимир Ильич Ленин ўзининг бутун ҳаётини бағишлаган буюк ишга чексиз садоқатини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди. (ЎзТАГ).

„Жэньминьжибао" газетаси бош редакторининг Ўзбекистонда бўлиши

Хитой Коммунистик партияси Марказий органи «Жэньминьжибао» газетасининг бош редактори Дэн-То ва унинг ҳамроҳлари шу газетанинг Москвадаги мухбири Ли-Хэ ҳамда «Правда» газетасининг партия турмуши бўлими бўйича редактори Л. А. Слепов Ўзбекистонда беш кун меҳмон бўлдилар.

Дэн-То Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди, янги қурилиш объектларида бўлди. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғуломов ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси М. Т. Турсунов унга изоҳ бериб турдилар.

Меҳмонлар «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида уюштирилган қабул маросимида ҳозир бўлдилар. Газета редактори И. А. Раҳимов Дэн-Тони Ўзбекистон матбуот ходимлари номидан табриклади.

Тошкент электрокабель заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Дэн-Тони самимий кутиб олдилар. Завод директори К. Ф. Сафонов меҳмонларга корхонанинг цехларини кўрсатди, уларни ишлаб чиқариш процесси билан таништирди. Дэн-То, шунингдек ишчилар шаҳарчасини кўздан кечириб чиққанидан кейин, А. С. Пушкин номли 113- мактабда бўлди.

Дэн-То Самарқандда икки кунга яқин меҳмон бўлди. У, бу ерда ўзбек давлат университетига борди, Самарқанд университети ва олимлари томонидан олиб борилаётган илмий текшириш ишлари билан, университетнинг палеонтология музейининг материаллари билан танишди. Дэн-То Самарқанд қишлоқ районидаги Энгельс номли колхозда бўлди. Самарқанддаги тарихий ёдгорликларга кўп эътибор берди. Самарқанд аҳолиси ҳамма ерда меҳмонларни самимий табриклади.

Меҳмонлар Самарқанддан қайтиб келатуриб йўлда Киров номли каналини кўрдилар. Бу канал эндиликда Мирзачўлда ўзлаштирилган ерларнинг асосий қисмини суғоради.

Дэн-То Тошкент область, Октябрь районидаги икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсунқулов раис бўлган Каганович номли колхозга борди ва унинг аъзолари билан самимий суҳбатлашди.

28 апрельда Дэн-То Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига борди. Академия раҳбарлари ва олимлари Дэн-То ва Ли-Хэ берган саволларига муфассал жавоб қайтардилар. Дэн-То ва Ли-Хэ ўша куниёқ Ўзбекистон КП Марказий Комитетидаги қабул маросимида бўлдилар ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретарлари О. А. Алимов ва З. Р. Раҳимбобоева билан суҳбатлашдилар. Суҳбат вақтида Дэн-То Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш билан боғланган масалалар, колхоз ишлаб чиқаришининг экономикаси, республикада ирригациянинг ривожланиши, ўзбек колхозчиларининг қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ошириш учун зўр кураши билан қизиқди.

29 апрель эрталаб Дэн-То шарафига зиёфат берилди.

Дэн-То ва унинг ҳамроҳлари куннинг иккинчи ярмида Олмаотага учиб кетдилар.

Тошкент аэродромида Дэн-Тони Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ғ. С. Султонов, Ўзбекистон ССР Маданият министри А. М. Қўчқоров, Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ғ. Ғ. Юсупов, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори И. А. Раҳимов, «Правда Востока» газетасининг редактори С. С. Черник, «Ўзбекистони сурх» газетасининг редактори А. Ҳ. Ҳакимов, Ўзбекистон Телеграф Агентлигининг масъул раҳбари Р. С. Саҳибоев, радио информация бош бошқармасининг вакиллари, нашриётларнинг ходимлари, журналистлар кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

Норвеж журналистлари группасининг Ўзбекистонда бўлиши

«Известия» газетасининг таклифига биноан СССРда меҳмон бўлиб турган норвеж журналистлари группаси Ўзбекистонда уч кун бўлди.

Меҳмонлар Тошкентда бўлган вақтларида тўқимачилик комбинатини, консерваторияни бориб кўрдилар, театрларда бўлдилар. Делегация аъзолари Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида, суғориладиган деҳқончиликни механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-текшириш институтида 4-«Вревский» наслли моллар совхозида бўлдилар.

Шаҳар журналистлари меҳмонлар шарафига ўртоқларча зиёфат бердилар.

Норвеж журналистларининг Тошкентдан жўнаб кетиш олдидан матбуот учун берган баёнотларида жумладан бундай дейилади:


Биз ўзбек халқининг ҳаммага маълум меҳмондўстлигини кўрдик.

Тошкент бўйлаб қилган саёҳатимиз вақтида шаҳарнинг катта-катта районлари ҳозирги замон тусини олганлиги бизни ғоят қизиқтирди. Бизда, бу ерда қурилиш ва планлаштириш соҳасида катта ишлар олиб борила ётир, деган ишонч ҳосил бўлди. Жуда гўзал ва чиройли қилиб қурилган Навоий номидаги театр бизларда айниқса катта таассурот қолдирди

Биз Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатини, шунингдек «Ўзбекистон» колхозини ва 4-«Вревский» совхозини бориб кўрган вақтимизда Тошкент шаҳрининг ва Тошкент областининг экономикаси билан қизиқиб танишдик. Биз ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиниши билан бир қаторда социал тадбирларга ҳам катта эътибор берила ётганлигини кўрдик.

Биз ватанимиздан шунча узоқ жойлашган бу ажойиб мамлакатда олган таассуротларимиз ҳақида газетхонларимизга сўзлаб бериш учун Норвегияга жўнаймиз.

29 апрельда Норвегия журналистлари Тошкентдан Москвага учиб кетди. (ЎзТАГ).



Тошкент куранти. А. Аверьянов фото этюди.

УЙҒУН

БОҒБОН

Чечаклар атрини тўзғитиб ҳарён,
Гулзорни оралаб шаббода елди...
Боғбон янги боғни гулга кўмгудай,
Парвариш қилмоқда. Ҳавасим келди.

Ахир қандоқ қилиб келмасин ҳавас,
Завқ билан, шавқ билан ишларганда чоп?
Зумрад япроқ ёзиб товланар нурда,
Шу йил ўтқазилган бир тўда ниҳол.

Хорманг, отахон, деб ёнига бордим,
Нуроний чеҳрада табассум ёнди.
Боғини мақтадим эҳтирос билан,
Мадҳимдан боғбон беҳад қувонди.

«Ҳа, бу йил яна бир янги боғ қилдим,
Фикримча, байрамга муносиб тортиқ!
Тупроққа жон бердим, қўриққа жамол,
Тортиқ бўладими бундан ҳам ортиқ?!

Тупроқни гуллатиш жуда улуғ иш!
Гулламай қолмасин бир баҳя ҳам ер!

Кундан-кун юрт обод, эл маъмур бўлсин!
Ватанни севганлар ана шундай дер!

Дунёнинг ҳуснига минг ҳусн қўшиб,
Бўзни гуллатганлар қандини урсин!
Мен ҳам кўчат экдим, улғайиб, мени
Набираларимга эслатиб турсин!

Одатим: бир пас ҳам тек туролмайман,
Оламга сиғмайди мендаги ҳавас!
Боғ гуллар, вояга етар ниҳоллар!
Иш қилиб жаҳонда тинчлик бўлса бас!»

Отахон, боғингга оро беравер!
Жаҳонда, шубҳасиз, тинчлик сақланур!
Меҳнат қил, халқ сени «Қўли гул!» десин.
Дунёда одамдан яхши ном қолур!

ХАЛҚЛАР БАЙРАМИ

Москвадан бошлаб йўлини
Ватан бўйлаб қадам ташлар Май.
Бугун байрам. Нурга чўмилиб
Табиат ҳам яшарган атай.
Қуёш-қизнинг боқишларида
Байрам кўрки, баҳор пардози.
Анҳорнинг шўх оқишларида
Жаранглайди унинг овози.
Байрам кезар Ленинградда
Ҳар юракка нурдай кирган у.
Уни кўрдим Сталинградда
Мардлар билан юрар бирга у.
Ҳилпирайди қизил байроқлар,
Колонналар ўтар изма-из.
Қадам ташлар дўстлар, ўртоқлар:
Кўкрак кериб ўтар ўғил-қиз.
Киевда ҳам учратдим уни
Кўчаларга тўлиб ўтарди.
Қон-қардошлар сафида юриб
Байроғини баланд кўтардим.
Янги меҳнат, бахтларга ундаб
Байрам яшнар Олтой ерида.
Ут юракли комсомоллардай
Қадам ташлар улкан Сибирьда.
Москвада, Қизил Майдондан
Дарё каби ўтади сафлар,
Ўзбекистон, Қозоғистонда
Байрам қилар қишлоғу шаҳар.
Қардош халқлар бири-бирига
Ўзатишар дўстлик қўлини,
Байрам кезар Ватан ерида
Москвадан бошлаб йўлини.
Бугун Ватан намойиш қилар
Қудратини, кўрку бахтини.
Бугун халқлар қалбдан олқишлар
Москвани—пойтахтини.
Бутун дунё меҳнаткашлари
Бир-бирини қутлайди бугун.
Меҳр билан қўл қисишади:
Тинчлик, дўстлик, қардошлик учун.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

Савдо хизмати

Тошкент шаҳридаги райпинчеторглар байрам кунлари аҳолига намунали хизмат қилиш учун олдиндан бир қанча тадбирларни белгиладилар. Шунга биноан байрам кунлари шаҳар майдонларида, марказий кўчаларда турли-туман озиқ-овқат маҳсулотлари билан кенг кўламда савдо қилувчи 600 га яқин сайёр дўкон, шу жумладан, бир қанча тележкалар, лотоклар ишлайди. Улар мазали бўлочкалар, ҳар хил бутерброд, пирожное, кондитер маҳсулотлари ва муздек сувлар сотадилар. 40 та махсус автомашина-буфет гавжум жойларда мунтазам ишлаб туради.

Бундан ташқари байрам кунлари совет колхоз бозорларида 4 минг 800 тонна гўшт, ёғ ва сабзавот маҳсулотлари сотилади.

Байрам концертлари

Пойтахт театрларининг коллективлари байрам кунларида шаҳар аҳолисига намунали ва маданий хизмат қилиш мақсадида, жойларда меҳнаткашларга кўрсатиш учун катта программада концертлар уюштирдилар.

Навоий номидаги опера ва балет театри коллективи Марказий район, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драм театр коллективи Октябрь район, Муқимий номли театр коллективи Сталин район территорияларидаги майдон ва скверларда катта концертлар кўрсатадилар. Шунингдек, М. Горький номидаги паркда Ленинград ансамблининг лўлилар гастроли. Тельман ва Киров номли паркларда Гарри Гольди раҳбарлигидаги эстрада оркестрининг гастролари ҳамда Сталин номли, Пушкин номли маданият ва истироҳат боғларида эса Ўзбекистон Давлат филармониясининг концерт бригадалари катта программада концертлар қўйиб берадилар.

Шу билан бирга, бугун шаҳардаги ҳамма майдон ва скверларда, маданият ва истироҳат парклари катта оммавий сайиллар бўлади, турли ўйинлар ташкил қилинади.

Телеграммалар

Марказий телеграф ва шаҳар алоқа бўлимлари байрам кунларида аҳолига намунали хизмат қилмоқдалар. Телеграф ва шаҳар алоқа бўлимларида меҳнаткашларнинг дўстлари ва қариндошларига 1 Май муносабати билан юборган табрик телеграммалари хат ва фототелеграммалари қабул қилинди. Табрик телеграммалар кўрсатилган кунда ўз эгаларига етказилди.

Шаҳарнинг марказий кўчаларида, скверларда ва серқатнов жойларда 120 га яқин табрик телеграммалари қабул қилиш пунктлари ташкил қилинди.

Тошкентдаги биргина главпочтамтнинг ўзида шаҳар аҳолисидан 100 мингга яқин табрик телеграммалар қабул қилиниб, кўрсатилган кунда бу телеграммалар ўз эгаларига юборилган. Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида яшовчи меҳнаткашлардан шаҳримиз аҳолисига 120 мингга яқин байрам табрик телеграммалари олинган.

ССР Иттифоқи Ташқи Ишлар Министрлигида

Шу йил 22 мартда ССР Иттифоқи Ташқи Ишлар Министрлиги герман гражданларини Совет Иттифоқидан Германия Федератив Республикасига репатриация қилиш масаласи тўғрисида Германия Федератив Республикасининг Москвадаги Элчихонасидан нота олган эди.

27 апрелда ГФР Элчихонасига ССР Ташқи Ишлар Министрлигининг қуйидаги жавоб нотаси юборилди:

— «ССР Иттифоқи Ташқи Ишлар Министрлиги Германия Федератив Республикасининг Элчихонасига ўзининг ҳурматини изҳор қилади ва Элчихонанинг ССР территориясидаги немис гражданларини қидириш ва уларни репатриация қилиш масаласи тўғрисидаги шу йил 22 мартдаги нотасига тўхталиб Совет Ҳукуматининг топшируви бўйича қуйидагини билдириш шарафига муяссардир.

Кейинги йилларда Германия Демократик Республикасининг Москвадаги Элчихонаси Совет Иттифоқида яшаган герман гражданларини Германия Демократик Республикасига ва Германия Федератив Республикасига репатриация қилиш сохасида совет органларининг ёрдами билан тегишли ишларни қилди.

Шу билан бирга, Германия Демократик Республикаси Президенти В. Пикнинг илтимоси, шунингдек ГФР ҳукумат делегациясининг 1955 йил сентябрь ойида Москвада бўлган музокаралар вақтида қилган илтимоси муносабати билан совет маъмурлари Совет Иттифоқи халқларига қарши қилган жиноятлари учун жазо муддатини ўтаётган собиқ немис ҳарбий асирлари ва немис гражданларини 1955 йилнинг охирида ва 1956 йилнинг бошларида Германия Демократик Республикасига ва Германия Федератив Республикасига репатриация қилганликлари маълумдир.

Германия Федератив Республикасининг Элчихонаси яқинда СССР Ташқи Ишлар Министрлигига гўё герман граждани бўлган ва Совет Иттифоқи территориясида яшаб турган ҳамда элчихонанинг маълумотларига кўра СССРдан Германия Федератив Республикасига жўнаб кетишни истаётган кишиларнинг рўйхатини топширганлиги муносабати билан Министрлик бу рўйхат ҳозирги вақтда компетентли совет органлари томонидан текширилаётганлигини хабар қилади.

Агар бу рўйхатда кўрсатилган кишилар орасида Германия Федератив Республикасига жўнаб кетишни истаётган немис гражданлари бўлса, улар, табиий, ана шу мақсадда Германия Федератив Республикасининг Элчихонаси билан алоқа боғлаш учун тўла имкониятга эга бўладилар. Бундай ҳолларда уларни репатриация қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш қийинчиликларга учрамайди ва ГФР Элчихонасига зарур ёрдам кўрсатилади.

Совет ҳукумати фурсатдан фойдаланиб, ҳозирги вақтда Ғарбий Германияда кўчириб олиб кетилган кўпгина совет гражданлари борлигини ва ГФР ҳукумат делегацияси 1955 йил сентябрь ойида Москвада бўлган музокаралар вақтида мазкур совет гражданларини юртига қайтаришда тўла ёрдам беришга ваъда қилганлигини эслатиб ўтади.

Москва, 1956 йил 27 апрель».

ФРАНЦИЯ СОЦИАЛИСТИК ВА ТИНЧЛИК ҲАМДА ҚУРОЛСИЗЛАНИШ УЧУН ҚУРАШАЁТГАН ФРАНЦУЗ ЖАМОАТ АРБОБЛАРИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан Франция социалистик партияси (СФИО)-нинг делегацияси 28 апрелда Москвага келди. Делегацияга Франция социалистик партиясининг бош секретари вазифасини бажарувчи, Республика кенгашининг аъзоси Пьер Коммэн бошчилик қилмоқда. Франция социалистик партиясининг делегацияси билан биргаликда француз журналистлари ҳам келдилар.

Внуково аэродромида меҳмонларни КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Д. Т. Шепилов ва Е. А. Фурцева, КПСС Москва область комитетининг секретари И. В. Капитонов, меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижрокомининг раиси Н. И. Бобровников, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. М. Митин ва Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ф. В. Константинов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, жамоатчилик вакиллари, совет ва чет эл журналистлари кутиб олдилар.

Делегацияни Франция Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Морис Дежан ва элчихонанинг ходимлари ҳам кутиб олдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан делегацияни КПСС Марказий Комитетининг секретари Д. Т. Шепилов табриклади.

Делегация бошлиғи, СФИО бош секретари вазифасини бажарувчи, Республика кенгаши аъзоси Пьер Коммэн жавоб нутқи сўзлади.

29 апрелда Франция социалистик партияси делегациясини меҳнаткашлар депутатлари Москва Совети ижрокомининг раиси Н. И. Бобровников қабул қилди. У Москва Совети ижрокомининг ходимлари номидан Франция социалистик партиясининг вакилларини «самимий табриклади, Москва Советининг вазифалари, структураси ва фаолияти ҳақида, район Советлари ҳақида, депутатларнинг иши, уй-жой қурилиши, шаҳар хўжалигини ривожлантиришнинг бош плани тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Сўнгра Н. И. Бобровников ва Москва Советининг депутатлари СФИО вакилларининг жуда кўп саволларига муфассал жавоб қайтардилар. Уч соатдан кўпроқ давом этган ва дўстона, аркин вазиятда ўтган суҳбатнинг охирида Н. И. Бобровников меҳмонларга Москва манзараларини ўз ичига олган альбомни тақдим этди.

29 апрель кечқурун делегация аъзоларидан бир группаси Москвадаги «Красный пролетарий» станкозлик заводининг клубида Биринчи майга бағишланган тантанали кечада ҳозир бўлди. Клубда тўпланган ишчилар ва инженер-техник ходимлар меҳмонларни самимий кутиб олдилар. СФИО раҳбарлик комитетининг аъзоси Аманду Ламин-Гэй табрик нутқи сўзлади.

Коллектив номидан нормаллар цехининг бошлиғи Н. Н. Спасский меҳмонларни табриклади. У делегация аъзоларидан Франциянинг қаҳрамон ишчилар синфига ва барча меҳнаткашларга салом ва энг яхши истаклар топширишни сўради.

Делегация аъзоларидан яна бир группаси ўша куни кечқурун Москва Метростроий ишчиларининг Биринчи май тантанали йиғилишида ҳозир бўлди. Йиғилганлар француз меҳмонларининг пайдо бўлишини давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Франция социалистик партиясининг вакиллари мажлис президиумига сайландилар.

Франция социалистик партияси раҳбарлик комитетининг аъзоси, миллат мажлисининг депутати Робер Кутан йиғилиш қатнашчиларини табриклаб нутқ сўзлади. У делегацияни самимий кутиб олганликлари учун меҳнатстройчиларга социалистик партия делегацияси номидан самимий ташаккур изҳор қилди. Кутан Франция социалистлари номидан Совет Иттифоқи меҳнаткашларига салом топширди.

* * *

Тинчлик ва қуролсизланиш учун курашаётган Француз жамоат арбоблари делегациясининг аъзоларидан бир группаси тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг таклифига биноан 29 апрель кечқурун Москвага келди.

Делегациянинг бошқа аъзолари делегация раҳбари, Жаҳон Тинчлик Кенгаши раисининг ўринбосари, Франция Миллат мажлисининг депутати Э. Дь Астье де ла Вижери бошчилигида 30 апрелда Москвага келдилар.

Франция жамоат арбобларининг делегацияси Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат қилиб, совет халқининг ҳаёти билан танишади. (ТАСС).

Совет-Канада савдо битими ратификация қилинди

1956 йил 29 февралда Оттавада Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Канада ўртасида тузилган ва СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган савдо Битимини СССР Олий Совети Президиуми 1956 йил 28 апрелдаги фармони билан ратификация қилди.

Ҳиндистон Коммунистик партиясининг IV съезди ўз ишини тамомлади

ДЕҲЛИ, 29 апрель (ТАСС). Пресс траст оф Индиа агентлигининг мухбири Мадорас штатидаги Палғхатдан хабар беради: Ҳиндистон Коммунистик партиясининг IV съезди бугун ўз ишини тамомлади. Съезд Ажой Кумар Гхошни яна Ҳиндистон Коммунистик партиясининг бош секретари қилиб сайлади. Партиянинг 39 кишидан иборат Марказий Комитети ҳам сайланди.

Югославия федератив Халқ Республикаси Президенти Ўртоқ Титонинг Совет Иттифоқига келиши тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Ҳукуматининг таклифига мувофиқ, Югославия Федератив Халқ Республикасининг Президенти Иосип Броз Тито расмий визит билан шу йил июнь ойида СССРга келади.

БИРМА ИҚТИСОДИЙ МИССИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Бирма Иттифоқининг иқтисодий миссияси 29 апрелдан 30 апрелга ўтар кечаси Москвага келди. Делегация состави У Ба Хтэй — Молия министрлиги департаментининг бошлиғи (миссия бошлиғи), У Тун Туанг — Саноат министрлигининг секретари (миссия бошлиғининг ўринбосари), У Хла Джо, У Чжо Сейн, У Ба Тин, У Аунг Кхинлардан иборат. Миссия составига бундан бир неча кун илгари Москвага келган У Хпу ҳам киради.

Бирма иқтисодий миссияси Бирмада қишлоқ хўжалигини, саноатни ва уй-жой қурилишини ривожлантириш юзасидан баъзи проектларни амалга ошириш планларини совет ташкилотлари билан муҳокама қилмоқ учун келди.

Внуково аэродромида миссияни Иқтисодий алоқалар Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари П. А. Малетин, Шарқ мамлакатлари иқтисодий бўлимининг бошлиғи П. Г. Папинин, саноат ва транспорт масалалари билан шуғулланувчи бўлим бошлиғининг ўринбосари Н. А. Аверьянов, Бош бошқарма протокол бўлимининг бошлиғи П. А. Кашунин кутиб олдилар.

Миссияни Бирма Иттифоқининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Монг Он ва Элчихона ходимлари ҳам кутиб олдилар. (ТАСС).

СОВЕТ-ПОЛЬША ИЛМИЙ-ТЕХНИКА КЕНГАШИ

Шахталарда кўмир чиқаришни механизациялаш ва меҳнатни ташкил қилиш сохасидаги иш тажрибаларини алмашиш юзасидан бўлган Совет-Польша илмий-техника кенгаши 29 апрелда тамом бўлди. Кенгашда Совет ва Польша делегацияларидан ташқари яна Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Чехословакия Республикаси ва Югославия Федератив Халқ Республикаси вакиллари ҳам қатнашдилар. Ҳаммаси бўлиб чет мамлакатлардан 60 дан кўпроқ вакил ҳозир бўлди. Уларнинг кўпи кенгашда нутқ сўзлаб, ўз иш тажрибалари тўғрисида сўзлаб берди.

10 кун давомида кенгашда Совет ва Польша олимлари ҳамда инженерларининг 22 доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

Кенгаш қатнашчилари Бутуниттифоқ кўмир илмий-текшириш институтининг лабораториялари билан ҳамда илмий-текшириш ишларини олиб бориш методлари билан танишдилар.

Кенгашда тавсияномалар қабул қилинди. Бу тавсияномаларда шахталарда кўмир чиқаришни кўмир қазишдан уни темир йўл вагонларига ортишгача бўлган ишларни комплекс механизациялаш ва автоматизациялашнинг принципиал йўллари белгиланди, шунингдек шахта стволларини ва ер қазиш ишларини теzлаштириш юзасидан ҳамда кўмир конларида кўмир ва газнинг бирданига отилиб чиқишига ва портлашларга қарши кураш масалалари юзасидан тавсияномалар қабул қилинди. Кенгаш қатнашчилари кўмирни гидравлик усул билан чиқаришни ҳар томонлама ривожлантиришни қувватлаб чиқдилар.

Бундан буён ҳам халқаро кенгашлар чақириб ва кўмир конларидан фойдаланиш сохасидаги айрим масалалар юзасидан иш тажрибаларини алмашиб туриш, кўмир саноатидаги илмий-текшириш ва проектлаш-конструкторлик ишларини мувофиқлаштириш фойдали деб топилди.

Кенгашнинг ишида Польша кўмир саноати министри Ф. Ваниолка, СССР кўмир саноати министри А. Н. Задемидко, шунингдек Иқтисодий алоқа ишлари Бош бошқармасининг бошлиғи К. И. Коваль, СССР Кўмир саноати министрининг биринчи ўринбосари Д. Г. Оника қатнашдилар. (ТАСС).

СССР Олий Совети делегациясининг Швецияга боришига доир

СТОКГОЛЬМ, 27 апрель. (ТАСС). Швеция ташқи ишлар министрлигининг матбуот хизмати бўлими рикедаги палатаси вакилларининг бугун бўлиб ўтган конференцияси тўғрисидаги ахборотни маълум қилди. Бу конференцияда СССР Олий Совети делегациясининг Швецияда бўлиши программаси тасдиқланди.

Ахборотда бундай дейилади: СССР Олий Советининг делегацияси Швеция рикедагининг таклифига мувофиқ Швецияга келади ва мамлакатда шу йил 7 майдан 13 майгача бўлади. 16 депутатдан иборат делегацияга СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. Н. Волков бошчилик қилади. Швеция рикедаги делегацияси ўтган йил июнь ойида СССР га борган эди. Совет парламент делегациясининг бу визити Швеция рикедаги делегациясининг ана шу визитига жавобдир.

ИТАЛИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ИТАЛИЯДАГИ ҲАРБИЙ БАЗАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЮЗАСИДАН ЧАҚИРИЛГАН МИЛЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

РИМ, 29 апрель. (ТАСС). Кеча Риггон шаҳрида чет эл ҳарбий базалари жойлашган вилоят ва жамоаларнинг вакилларидан иборат миллий конференция очилди. Конференция делегатлари Италияда ҳарбий базалар жойлаштирилишига қарши курашиш масалаларини муҳокама қиладилар. Конференцияда вилоят ва муниципал кенгашларнинг аъзолари, тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг активлари, чет эл қўшинлари бўлган ёки уларнинг келиши кўзда тутилган шаҳарлардаги ҳамда аҳоли яшаб турган жойлардаги меҳнаткашларнинг ва интеллигенциянинг вакиллари қатнашмоқдалар.

ХРОНИКА

Кейинги вақтда Сан Марино Давлат секретариати билан СССРнинг Италиядаги Элчихонаси ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида Совет Иттифоқи билан Сан Марино Республикаси ўртасида консуллик муносабатлари ўрнатиш тўғрисида келишилди.

Тошкент спорт базаларида

Байрам кунларида Тошкент шаҳридаги спорт базаларида футбол бўйича мусобақалар ўтказилади.

1 Май куни Қизил майдонда мактаб ўқувчиларининг гимнастика бўйича чиқишлари бўлади. Кундуз соат 12 да спортчилар паради бўлади.

2 Май куни «Спартак» стадионида «Шахтакор» (Тошкент) ва «Авангард» (Свердловск) командалари ўртасида «Б» класс бўйича СССР биринчилиги учун футбол мусобақаси ўтказилади. Бу мусобақа кеч соат 6 да бошланади. «Локомотив», «Динамо», «Пишчевик», «Буревестник» стадионларида биринчи группа командалари ўртасида шаҳар мусобақалари бўлади. Бу учрашувлар эрталаб соат 9 дан бошланади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — (қишки бино) — 1/V эрталаб соат 11 ва кундуз 3 да **Сўнгги пушаймон**, кеч 8 яримда **Юрак сирлари**, 2/V эрталаб соат 11 ва кундуз 3 да **Юрак сирлари**, кеч 8 яримда **Гамлет**.

Ёзги бинода: 1/V да **Бой ила хизматчи**, 2/V да **Холисхон**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/V кундуз соат 2 ва кеч 8 яримда **Катта байрам концертлари**, 2/V кундуз соат 12 да **Қизил гул** («Аленький цветочек»), кеч 8 яримда **Мис чавандоз**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 1 ва 2/V да **Байрам тамошалари**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун **Катта проспект**.

НАВОИЙ номли — кундуз соат 1 гача **Гаврош**, кеч 8 гача **Катта проспект**, кеч соат 9 дан **Сибирь ерлари ҳақида қисса**.

«ИСКРА» — эрталаб **Дарё устидаги чироқлар**, кундуз **Катта проспект**, кечқурун **Содиқ дўстлар**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб **Ажралмас дўстлар**, кундуз ва кечқурун янги немис бадиий фильми **Эрнст Тельман, ўз синфининг доҳиси** (2- серия).

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз **Садко**, кечқурун **Катта проспект**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН» — **Бомбай қизи**.

НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «УДАРНИК» — **Катта проспект**.

«ХИВА» — **Эрнст Тельман, ўз синфининг доҳиси** (2- серия).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
1 ва 2 май кеч соат 9 да
КАТТА
Байрам концертлари

Концертларда: СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ҳалима Носирова**, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маъмуржон Узоқов** ва бошқалар қатнашади.

2 май кундуз соат 1 да
Байрам концерти

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ғулом Абдураҳмонов**, ва бошқалар қатнашади.

Билетлар Эстрада театри кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
1 майда
Кундуз соат 12 ва кеч 8 яримда — **Сурмахон**.
Кундуз соат 4 да — **Концерт**.
2 майда
Кундуз соат 12 ва кеч 8 яримда — **Сингиллар қиссаси**.
Кундуз соат 4 да
катта концерт

Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Розия Каримова, Комилжон Отаниёзов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Абдуғафур Абдураҳмонов, Зайнаб Полтушева**, солистлардан **Пўлатов, Эркаев, Тўраева, Раҳмонқулова** ва бошқалар қатнашади.

3 майда
КАТТА КОНЦЕРТ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Комилжон Отаниёзов Розия Каримова, Турсунхон Жаъфарова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эътибор Жалилова, Фароғат Раҳматова, Абдуғафур Абдураҳмонов, Зайнаб Полтушева**, солистлардан **Пўлатов, Эркаев, Раҳмонқулова, Муҳиддинова, Тўраева, Валиев, Иброҳимова** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33282 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 03824. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1426.